

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ЮЛДАШЕВА ДИЛОРО АСҚАРАЛИЕВНА
МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
МОЛИЯ МЕХАНИЗМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

5A140901 - Касб таълими (Молия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д.,проф. О.Олимжонов

НАМАНГАН – 2012



□□□□□	3
-------------	---

I-	Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизми	
БОБ	назарий масалалари	
1.1	Молия механизми иқтисодий моҳияти, вазифалари ва аҳамияти.....	7
1.2	Молия механизмини таркибий тузилиши, бўғинлари ва звенолари.....	15
1.3	Молиявий механизмда молиявий режалаштириш ва истиқболлини белгилаш асосий бўғини сифатида.....	28
II-	Мамлакатни модернизация қилиш шароитида солиқ дастаклари	
БОБ	бюджет даромадини асосий манбаи	
2.1	Қўшилган қиймат солиғини тутган ўрни.....	40
2.2	Акциз солиғини қўлланиш амалиёти.....	52
2.3	Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи.....	67
III-	Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия	
БОБ	механизмини такомиллаштириш масалалари	
3.1	Молиявий дастакларини такомиллаштириш.....	87
3.2	Молиявий режалаштиришни такомиллаштириш.....	104
	Хулоса ва таклифлар.....	109
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	113

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти шароитида молия механизми жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Молия механизми орқали давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари шаклланади ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланади. Бюджет ва бюджетдан ташқари марказлашган фондлардан, маблағлар нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий тадбирларга йўналтирилади, шу билан бирга кам даромадли аҳоли, даромад манбаи чегараланган хизматларни ижтимоий қилишга, мамлакатни муҳофаа кудратини мустахкамлашга ва бошқа умумдавлат тадбирларини молиялаштириш ҳам фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни молия-кредит механизмини такомиллаштиришга боғлиқ бўлиб турибди”¹. Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида молия-кредит механизмида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан ишлаб чиқариш корхоналари, акциядорлик жамиятлари ва хусусий корхоналарда молиялаштириш ва кредитлаш, ҳамда уларнинг молия-кредит механизмлари таркибида туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Давлат билан юридик шахслар, яъни корхона ташкилот ва акциядорлик жамиятлари орасидаги молиявий муносабатларда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маълумки, молия механизми, хўжалик механизмининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олимларимиз молия-кредит механизми тўғрисида ўзларининг фикрларини баён этганлар. Бизнинг фикримизга кўра молия-кредит механизми жамият томонидан солиқ

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз, Тошкент, Ўзбекистон 2000йил. 11-бет

муносабатларини ташкил этиш, ҳамда пул муносабатларини ташкил этиш ва фойдаланишни ифода этади.

Ҳозирги кунда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида молия механизмини такомиллаштириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам магистрлик диссертация мавзуси долзарб мавзулардан ҳисобланади. Магистрлик диссертациясини ёзишда Ўзбекистон Республикаси маълумотларидан амалий маълумотлардан фойдаланиб молия-кредит механизмини такомиллаштиришга қарата фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Тақиқотнинг мақсади. Илмий ишнинг асосий мақсади молия-кредит механизмини моҳияти ва вазифалардан келиб чиқан ҳолда, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Молия механизмини моҳияти ва уни ривожланиш босқичлари;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизмини ролини аниқлаш;
- Молия механизмини таркибий тузилиш, бўғин ва звеноларини аниқлаш;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида солиқ дастак(ричаг)лари бюджет даромадларини асосий манбаи эканлигини кўрсатиб бериш;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий истаклар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, ҳамда корхоналарни молиявий аҳволини яхшилашда молия механизмини ва уни бошқаришда таъсири.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизмини назарий масалаларини ва уларни иқтисодий моҳиятини очиқ берилганлиги;

- Бюджет даромадларини шакллантиришда молия дастакларини тутган ўрнининг асосланганлиги ва уларга хос бўлган тенденцияларнинг аниқланганлиги;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизмини такомиллаштириш шаклларининг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётда қўллаш бўйича илмий тавсияларнинг берилганлиги билан белгиланади;
- Илмий янгилиги ҳозирги шароитда молия механизмини мохияти ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади;
- Молия механизмининг иқтисодий мохиятини ифодаловчи муаллифлик таърифи берилди ва асосланди;
- Молия механизмининг вазифалари ва уларнинг аҳамияти такомиллаштирилган тасниф асосида бир тизимга келтирилди;
- Мамлакатни модернизация қилиш шароитида солиқ дастаклари бюджет даромадларини асосий манбаи эканлиги аниқланди;
- Молия механизмини роли, мохияти ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти республикамізда молия механизми ва уни такомиллаштиришга уларни жорий этишнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва тавсиялар “Молия”, “Давлат бюжети” “Солиқ назарияси”, “Солиқ муносабатларини оптималлаштириш” каби фанларнинг ўқув дастурларида ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг илмий таклифлари ва амалий хулосалари “Молия механизми ва уни такомиллаштириш”(Наманган 2010й) “Мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизми ва уни такомиллаштириш” (Наманган 2011) амалий конференцияларда илмий маъруза кўринишида баён қилган ва мақуллаган.

Илмий изланиш жараёнида анализ ва синтез, ходисаларини статистик ҳолатда эмас, балки динамикада қараш маълумотларини гуруҳларга ажратиш, қиёслаш ҳамда индекс усуллари қўлланади.

Диссертация ишини таркибий қисми. Кириш, уч боб, солиқ параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда молия – кредит механизмини таркибий қисми ҳамда молия механизми орқали корхона пул фондларини ташкил этиш ва фойдаланиши ёритилган.


Иккинчи бобда мамлакатни модернизация қилиш шароитида солиқ дастак(ричаг)лари бюджет даромадларини асосий манбаи яратилган.

Учинчи бобда мамлакатни модернизация қилиш шароитида молия механизмини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

I. БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯ МЕХАНИЗМНИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Молия механизми иқтисодий моҳияти, вазифалари ва аҳамияти

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум ёки ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик муносабати билан белгиланувчи ўз хўжалик механизмига эга. Хўжаликни режали равишда юритишга асосланган социализм ҳам ўз хўжалик механизмига эга бўлиб, баҳо, режалаштириш, кредит механизми ва бошқалар унинг таркибий қисмларини ташкил қилади. Буни схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин (1-схема).



1-схема. Хўжалик механизмининг таркибий қисмлари

Молия механизми ҳам хўжалик механизмининг таркибий қисмидир. Шу сабабли молия механизмининг моҳияти ва мазмунини таҳлил қилишдан аввал хўжалик механизмининг моҳияти ва мазмунини таҳлил қилишдан аввал хўжалик механизмининг моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик механизми давлат жамиятнинг иқтисодий ҳаётини, хўжалик жараёнларини амалга оширувчи ва ташкил этувчи шакл ва усуллар йиғиндисидан иборат. Хўжалик механизми жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг намоён бўлиш шакли бўлиб, уларнинг ўзаро алоқаларини ўзида акс эттиради. Демак, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан иқтисодий ҳаётни амалга оширувчи механизм ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради.

Халқ хўжалигини режалаштириш, натурал ва қиймат нормативлари ҳамда кўрсаткичлари, иқтисодий рычаг ва стимуллардан кенг фойдаланиш йўли билан иқтисодий ҳаётни тартибга келтириш мумкин. Шу маънода хўжалик механизми тушунчаси маълум даражада йиғма характерга эга.

Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми бўлганлиги учун молия механизми ҳам хўжалик механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам молия механизми ягона бошқаришсиз амал қила олмайди ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилишини ва халқ хўжалигининг ривожланиш пропорцияларини мустақил белгилай олмайди. Аммо бунда молия механизми пассив характерга эга, деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки молия механизми ўзига тегишли бўлган усуллар ва воситалар ёрдамида такрор ишлаб чиқаришнинг нисбатларини шакллантиришга ва давлат хўжаликни бошқаришга актив таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти талабига мос, таъсирчан молия механизмини яратиш мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масalani ижобий ҳал этиш, ўз навбатида, молия механизмининг назарий асосларини ва социал

иқтисодий қонуниятларини чуқур билишни, ҳозирги давримизнинг ривожланиш хусусиятларини ва вазифаларини тўла идрок этишни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 30-40-йилларда адабиётларда “молия механизми” атамасидан анча кенг фойдаланила бошланди. 70-йилларга келиб, бу атамага нисбатан қизиқиш янада кучайдики, бу ўз навбатида, молиянинг иқтисодий моҳияти билан боғлиқ бўлган масалани чуқурроқ ўрганиш ва муҳокама қилишни ҳамда молиявия рычаг ва стимулларни активлаштириш вазифасини ҳал этишни талаб қилди.

“Молия механизми” тушунчаси тўғрисида фикр юритар эканмиз, “механизм” атамаси техника фанларидан олинганлигини тан олмай иложи йўқ. Аммо молия фанида “механизм” атамасидан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Чунки иқтисодиётга оид фанлар, жумладан, молия фани алоҳида хусусиятларга эга уларнинг асосий тушунчалари объектив категориялар бўлиб, улар кишиларнинг онги ва хоҳиш-истакларига боғлиқ эмас.

Изоҳли луғатларда “механизм” атамаси қуйидагича талқин қилинади: 1) машина ва приборларнинг ички тузилиши бўлиб, уларни ҳаракатга келтиради; 2) сунъий ва ҳаракатчан қўшимча звенолар йиғиндиси; 3) у ёки бу ҳаракат тартибини аниқловчи система, қурилма.

Келтирилган таърифлар ёки изоҳларга диққат билан эътибор берсак, уларнинг ҳар биридан “механизм” тушунчасига у ёки бу объектни ҳаракатга келтиришга эришиш учун қаратилган киши фаолиятининг натижаси деб қаралишини аниқлаш мумкин. Буни ва молиянинг иқтисодий моҳиятини назарда тутиб, молия механизмини таҳлил қилишда қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Тақсимлаш муносабатларининг маълум бир қисмини ўзида қамраб олувчи молия махсус иқтисодий категория сифатида ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига таъсир кўрсатиш учун потенциал имкониятга эга. Жамият бу имкониятларни ўрганиб, ижтимоий ва иқтисодий

ривожланиш вазифаларини ҳал этишда молиялан кенг фойдаланади. Молиядан фойдаланишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири уни ташкил этиш, яъни молиявий муносабатларнинг у ёки бу шакл, усул ва турларини жорий этишдан иборат. Шунинг эътиборга олган ҳолда молия механизмига содда қилиб жамият томонидан молиявий муносабатларни ташкил этиш учун қўлланадиган усуллар йиғиндиси деб таъриф бериш мумкин.

2. Молия механизми иқтисодий категория бўлган молиядан фарқли ўлароқ кишилар онгли фаолиятининг натижаси сифатида устқурмага тегишли бўлиб, уни амалга ошириш шакли субъектив характерга эгадир. Молия механизмини тадқиқ этаётган иқтисодчиларнинг кўпчилигини ана шу фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Масалан, В.К.Сенчагов молия механизмига “молиявий бошқаришни ташкил этишнинг шакл ва усуллари система”² сифатида қарайди. М.А.Пессель молия-кредит механизми давлат хўжалик юритиш механизмининг таркибий қисмидир, хўжаликни бошқариш механизми эса давлат ва ҳукуматимиз томонидан социал-сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқаришга таъсир этиш учун фойдаланиладиган шакл ва усуллар комплексидир,-деб таъкидлайди.³ П.С.Никольский эса молия механизмини молиявий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида талқин қилади⁴.

Молия механизмининг субъектив характерга эга эканлигини тан олиш унинг объектив молиявий муносабатлардан ажралиб қолганлигини, бозор иқтисодий қонунлари талабларига боғлиқ эмаслигини билдирмайди. Жамият молия механизмини вужудга келтиришда албатта иштирок этади. Унинг шакл ва усуллари: а) молиявий муносабатларнинг мазмуни; б) молиянинг ривожланиш қонуниятлари; в) иқтисодий қонунларнинг ҳаракати билан белгиланади. Молия механизмининг шакл ва усуллари, ўз навбатида, жамият ривожининг ҳар бир босқичидаги иқтисодий эҳтиёжларига мос келиши

² В.К. Сенчагов. Финансовый механизм и его роль в повышении эффективности производства. М. Финансы, 1979.

³ Қаранг: Финансово-кредитный механизм интенсификации общественного производства . м., 1977,

⁴ П.С.Никольский Финансы в системе хозяйственного механизма управления промышленностью.М., Финансы и статистика. 1985


керак. Бозор иқтисодиёти, молия механизмини вужудга келтиришда юқорида таъкидланган талабаларни етарлича инобатга олмаслик, уни умумиқтисодий шароитдан ва ижтимоий ривожланишнинг маълум бир даврида ҳал этиладиган конкрет вазифалардан ажратиб қўйиш унинг ҳаракатида негатив натижаларга олиб келиши мумкинлигидан далолат беради. Масалан 70 йилларда кенг тарқалган фойдани қолдиқ усулига асосланган ҳолда тақсимлашдаги камчиликлар очик-ойдин юзага чиқа бошлади. Фойдани тақсимлаш бўйича давлат бюджети билан бўладиган муносабатларнинг барқарор эмаслиги ва якуний характердалиги корхонанинг ишлаб чиқариш пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигига раҳна солди, резервларни қидириб топишда ва пул жамғармаларини кўпайтиришда уларнинг ташаббусини бўғиб қўйди. Фойдани тақсимлашнинг норматив усулини жорий этиш эса жамият ривожланишининг иқтисодий талабларига мос келди. Бундан молиявий механизм объективдир; молиявий муносабатларнинг шакл ва усулларини ташкил этишда социализм иқтисодий қонунларининг талабларини инобатга олган ҳолда кўплаб объектив омилларни ҳисобга олиш зарур деган ҳулосага келиш мумкин.

Молия механизмнинг объективлиги масаласини кўриб чиқиш давомида молиядаги объективлик ва субъективлик муаммосини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Умумдавлат ҳамда корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқларининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатларнинг асосий группаси объективдир. Давлат бюджети, мулкӣ ва шахсий суғурта, солиқлар, давлат корхоналарининг бюджетга тўловлари ва бошқалар кишиларнинг хоҳиш-иродасига, истакларига ва онгига боғлиқ бўлмаган молиявий категориялардир. Шунини таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган молиявий категорияларнинг айримлари кўпроқ, айримлари эса камроқ абстракт характерга эга. Камроқ абстракт характерга эга бўлган молиявий категориялар кўпроқ абстракт характерга эга бўлган. Молиявий категорияларнинг намоён бўлиш формалари бўлиши мумкин. Масалан,

иқтисодий категория сифатида молия давлат бюджети хўжалик юритувчи ва ташкилотлар молияси давлат кредити каби категорияларда ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, давлат бюджети бюджет даромади ва харажатлари деб аталувчи категорияларда намоён бўлади. Бюджет даромадлари эса солиқлар ва давлат корхоналарининг тўловларида ўз ифодасини топади. Юқорида билдирилган фикрларни схема тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин(2-схема).

(2-схема)



Кишилиқ фаолиятининг бошқа соҳаларида бўлгани каби молия соҳасида ҳам ижтимоий муносабатларнинг кишига бўйсунуш жараёни содир бўлади.

Лекин бундан ижтимоий муносабатларнинг объективлиги рад этилади деган хулоса келиб чиқмайди.

Давлат томонидан маълум бир молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши, молиявий муносабатларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш механизмининг шакл ва турларининг тартибга келтирилиши молиявий бошқаришнинг ўзи сингари субъектив омилдир. Бошқа соҳаларда бўлгани каби молия соҳасида ҳам субъектив омиллар жуда катта аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий ривожлантиришда молиявий муносабатлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ўринли ташкил этилган молия механизми ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминлайди.

Субъектив омилларни тан олган ҳолда иқтисодий муносабатларнинг бирламчи эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Молиянинг ривожланиш қонуниятлари ва ривожланишнинг умумий иқтисодий шарт-шароитлари қанчалик тўла инobatга олинса, субъектив омилларнинг таъсири шунчалик актив ва самарали бўлади. Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда молиявий муносабатларни ташкил этиш шакли унинг мазмунига шнчалик мос келади. Демак молия системасидаги кадрларнинг тайёргарлик ва бирилиш даражаси молияда мужассамлантирилган имкониятларнинг самаралилик даражасини белгилаб беради: ҳозирги пайтда молия фанининг кенг ривожланиши ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш молия сиёсати муваффақиятининг ва молия механизми самарадорлигининг гаровидир.

Молия механизмининг мазмуни, унинг таркиби ва тузилиши бевосита молиянинг мазмуни, таркиби ва тузилишидан келиб чиқади. Жамият ривожланишнинг конкрет босқичи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда объектив молиявий муносабатларни ўрганиш асосида уларни ташкил этишнинг у ёки бу шакли ва усулларини жорий этади, яъни ташкилий характерга эга бўлган муносабатларнинг иккинчи қатламини вужудга келтиради. Масалан, маълумки, асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўз қийматининг бир қисмини тайёр маҳсулотга ўтказиб беради. Ана шу нарсага асосланган ҳолда давлат амортизация ажратмалари

нормасини белгилайди, амортизация фондидан фойдаланиш тартибини ўрнатади. Айланма фондлари сақлаш ва кенгайтиришни таъминлаш мақсадида айланма фондлари нормативи, уларнинг ўсган ёки етишмаган қисмини тиклаш манбалари аниқланади.

Давлат бюджет даромадлари миқдорини, кўп сонли солиқлар ва йиғимлар ва уларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартибларини белгилар экан, биринчи навбатда , умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш зарурлигини, ҳар бир давр ривожланишининг иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларини инобатга олади. Худди шу нарсаларни эътиборга олган ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг энг рационал системасини ишлаб чиқишга ва уларни амалиётда жорий этишга катта эътибор берилади, жумладан, бюджетдан молиялаштириш принциплари, шакл ва усуллари аниқланади.

Айрим ҳолларда турли хилдаги тасодифий ҳодисалар халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳодисаларнинг мавжудлиги турли-туман резерв фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Ана шу резерв фондларни ташкил этиш ва бу фонд маблағларидан фойдаланиш тартибини давлат аниқлаб беради.

Жамият томонидан белгилаб берилган молиявий муносабатларни ташкил этишнинг шакл ва усуллари жуда кўп бўлиб, бу ўз навбатида,объектив молиявий муносабатларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблиги билан белгиланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш муҳимки, ҳар қандай молиявий муносабатлар маълумки қисмидаги молиявий ресурсларнинг ҳаракат этиши билан кузатилар экан, молиявий муносабатларнинг ҳар бир шакли, усули ва турлари ўзининг миқдорий аниқлигига эгадир.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда молия механизмига қуйидагича таъриф бериш мумкин: хўжалик юритувчи ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга, ноишлаб чиқариш соҳасини сақлашга, жамият ва алоҳида хўжалик звеноларининг бошқа иқтисодий

вазифаларини ҳал этишга мўлжалланган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини планли равишда ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ объектив мавжуд бўлган пул муносабатларини бошқаришнинг шакл ва усуллари систем асига молия механизми дейилади.

Молия механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми сифатида доимо ҳаракатдадир. Хўжалик механизми такомиллашиб бориши билан у ҳам такомиллашиб боради. Бундан молия механизмининг такомиллашиб боради. Бундан молия механизмининг такомиллашиб бориши ажралиб қолган алоҳида муаммо бўлмай, балки ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг умумий жараёнидир, деган хулоса келиб чиқади.

Молия механизмининг конкрет мазмуни, хўжалик механизмининг мазмуни сингари, ишлаб чиқариш муносабатларининг шакллари орқали намоён бўлади.

Молия механизмини таркибий тузилиши, бўғинлари ва звенолари

Молия ва молиявий муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми бўлганлиги учун молия механизми ҳам хўжалик механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам молия механизми ягона бошқаришсиз амал қила олмайди ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузимини ва иқтисодиётнинг ривожланиш тамойилларини мустақил белгилай олмайди ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилишини ва иқтисодиётнинг ривожланиш тамойилларини мустақил белгилай олмайди. Аммо бундан молия механизми пассив характерга эга деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки молия механизми ўзига тегишли бўлган усуллар ва воситалар ёрдамида такрор ишлаб чиқаришнинг нисбатларини шакллантиришга ва бозор иқтисодиётини бошқаришга актив таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти талабига мос таъсирчан молия механизминияратиш мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалани ижобий ҳал этиш, ўз навбатида, молия механизмини назарий асосларини ва бозор иқтисодиёти қонунлари чуқур билиши, ҳозирги давримизнинг ривожланиш хусусиятларини ва вазифаларини тўла идрок этишни талаб этади.

“Молия механизми ” тушунчаси тўғрисида фикр юритар эканмиз “механизм” атамаси техник фанлардан олинганлигини тан олмай иложимиз йўқ. Аммо молия фанидан “Механизм” атамасидан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Чунки иқтисодиётга оид фанлар, жумладан молия фани алоҳида хусусиятларга эга уларнинг асосий тушунчалари объектив категориялар бўлиб. Улар кишиларнинг онги ва хоҳиш-истакларига боғлиқ эмас.

Изоҳли луғатларда “механизм” атамаси қуйидагича талқин қилинади:

1) машина ва приборларнинг ички тузилиши бўлиб, уларни ҳаракатга келтиради: 2) Сунъий ва ҳаракатчан қўшимча звенолар йиғиндиси; 3) у ёки бу ҳаракат тартибини аниқловчи система, қурилма.

Келтирилган таърифлар ёки изоҳларга диққат билан эътибор берсак, уларнинг ҳар бирида “механизм” тушунчасига у ёки бу субъектни ҳаракатга келтиришга эришиш учун қаратилган киши фаолиятининг натижасидир.

Молия механизмининг субъектив характерга эга эканлигини тан олиш унинг объектив молиявий муносабатлардан ажралиб қолганлиги, бозор иқтисодиёти қонунларини талабларига боғлиқ эмаслигини билдирмайди. Жамият молия механизмини вужудга келтиришда албатта иштирок этади. Унинг шакл ва усуллари:

- молия муносабатларнинг мазмуни
- молиянинг ривожланиш қонуниятлари;
- иқтисодий қонунларнинг ҳаракати билан белгиланади.


Молия механизмининг объективлиги масаласини кўриб чиқиш давомида молиядаги объективлик ва субъективлик муаммосини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Объектив ва субъектив омиллар тўғрисида гапирадиган бўлсак ҳозирги кунда “молия” тушунчасини ташкил этувчи қтисодий муносабатлар объектив омилларга киради.

Молия механизмининг мазмуни, унинг таркиби ва тузилиши бевосита молиянинг мазмуни, таркиби ва тузилишидан келиб чиқади. Жамият ривожланишининг консерет босқичи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда объектив молиявий муносабатларни ўрганиш асосида уларни ташкил этишнинг у ёки бу шакли ва усуллари жорий этади, яъни ташкилий характерга эга бўлган муносабатларнинг иккинчи катламини вужудга келтиради.

Молия механизмининг конкрет мазмуни хўжалик механизми мазмуни сингари ишлаб чиқариш муносабатлари нинг шакллари намоён бўлади. Молия механизмининг таркиби анча мураккаб бўлиб, унга турли молиявий муносабатларга хос бўлган бўғинлар ва элементларни киритиш мумкин.

Биз молия механизмининг таркибий қисмларига молиявий қонунчилик, молиявий режалаштириш ва истиқболини белгилаш, молиявий дастаклар ва рағбатлантириш воситалари, молиявий бошқарув усуллари ва молиявий назоратни киритади. Буни биз қуйидаги схемада кўриб чиқамиз(схема 3)



Молиявий қонунчилиги молия механизмни ядроси ҳисобланади, чунки, молия соҳасида чиқаётган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорларига асосан нормативлар ишлаб чиқилади.

Молиявий режалаштириш ва истиқболни белгилаш бу молиявий механизмнинг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалаларни тузиш ва истиқболни белгилаш ҳамда балансларни, молиявий кўрсаткичлар, норма ва нормативлар тизимини ўз ичига олади.

Молиявий дастаклар рағбатлантириш воситалари буларга корхона фойдасини тақсимлаш усуллари, турли фондларни ташкил этиш усуллари, турли фондларга тўловлар, ажратмалар, қўлланиладиган имтиёзлар, санкциялар, жарималар, солиқлар, субсидиялар, субвенция, санкциялар ва рағбатлантиришлар кирази. Молиявий бошқарув усуллари-бу хўжалик субъектларнинг молиявий муносабатларини амалга ошириш, пул оқими, фондларни ташкил этиш, тақсимлаш ва самарали ишлатишга оид фаолиятини бошқаради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жамоа хўжалик молия механизм қатий бир хил турмайди. Иқтисодиёт ўзгариши билан молия механизмни элементлари ўзгаради.

Молия механизми, унинг тузилиши структураси молия сиёсати давлатнинг молия тадбирларида улар эса ўз навбатида молия механизми орқали ўз ифодасини топади. Жамият ўзини иқтисодий ривожланишида молия механизмдан фойдаланади.

Молия механизми методи шакл, турлардан иборатдир. Улар ёрдамида молия муносабатларини ташкил қилади. Молия механизми структураси мураккаб. Структура турли элементлардан иборат бўлиб, у молия муносабатларга мутаносиб ҳисобланади.

Давлат жамият маҳсулотини миллий даромадини, пул маблағларни сақланиш турлари, тўлов турларини тақсимлаш методларини ўргатади. Маблағлардан самарали фойдаланиш учун молия режалаштиришни аҳамияти катта. Молия механизмининг асосий бўғинлари (элементлар) қуйидагилар:

- молиявий режалаштириш;
- молиявий кўрсаткичлар, нормативлар, лимитлар;
- маблағларни бошқариш
- молия ричаглари (буриш мосламалар) омиллари
- молия назорати.

Молия механизми ташкилот ва хўжалик ташкилотлар молия механизмдан муҳофазалаш механизмдан, давлат маблағларини ишлатиш механизмдан иборатдир. Давлат маблағларнинг механизми бюджет ва нобюджет фондларга бўлинади.

Молия механизми методлар молия захиралар фондларининг шаклланиш ва фойдаланиш жараёнини бошқарувчи инструментлар тўплами. Молия захиралардан фойдаланиш давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, халқ ихтиёжларини қондиришни таъминлаш тушунилади.

Молия механизми давлат молия сиёсатини олиб боришди катта аҳамиятга эга. Замонавий молия механизми нафақат давлатни молия базасини балки, бозор муносабатлари ривожланаётган бир вақтда иқтисодий бошқарувни таъминлайди.

Молия муносабатларни янги шакллари ривожланиши молия механизми янада мураккаблаштиради. Молиявий режалаштириш ва башорат қилиш. Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг бошқариш муҳим элементи режалаштириш ва башорат қилиш. Улардан иқтисодиётни ривожлантиришда, фойдаланилади. Молиявий режалаштириш ва башорат қилиш молия механизмнинг асосий элементлардан бири ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш ва башорат қилиш жараёнида молиявий кўрсаткичлар молия операциялар ва кўплаб хўжалик режаларини бажариш натижаларига кўра асосланиб берилади. Бу икки тушунча иқтисодиёт адабиёти ва амалиётида бир-бирига ўхшашдир.

Молиявий башорат давлатни ёки хўжалик субъектини молиявий ҳолатини олдиндан кўра билиш, молиявий режалар кўрсаткичларни асослаб бериш. Башоратлар ўрта муддатли (5-10 йил), узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) молиявий башорат молия режаларни тузиш босқичидан олдин туради, жамиятни маълум бир даврга мўлжалланган молиявий сиёсат концепциясини ишлаб чиқади. Молиявий башоратнинг мақсади молиявий захиралар ҳажмини реал аниқлаш, уларни башорат қилаётган даврда манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш. Башоратлар молия тизими органларига маблағлар ривожланишининг турли вариантларини тақдим этади, молия сиёсатини олиб боришда форма ва методларни белгилаб беради.

Молиявий режалаштириш маълум муддатга белгиланган молиявий захиралар молиявий муносабатларни асослаб берадиган илмий жараён. Обьекти давлат ёки хўжалик субъектининг молиявий фаолияти, якуний натижаси эса. Молиявий режалар тузишдан иборатдир. Бунга бирор бир ташкилотнинг сметаси, давлатнинг молиявий баланс режаси мисол бўла олади. Молиявий режалаштириш давлатнинг, хўжалик субъектларининг мақсад сари йўналтирилган фаолияти. Молиявий режалаштириш жамиятни обьектив қонуниятлар асосида ривожланиши, молиявий захираларнинг

ҳаракатланиши, олдин ўтказилган тадбир ва молиявий операцияларини натижалар базасини ўрганиш лозим.

Молиявий режалар молиявий захираларни шаклланиши, тақсимланиши улардан фойдаланиш режаларидир. Молиявий режалар молиявий тизимни бўғинлари ҳисобланади, молиявий режани формаси ундаги кўрсаткичлар молиявий тизимни ўзига хос хусусиятига кўра бўғинни акс эттиради. Мос тижорат асосида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар кириш чиқиш балансини тузадилар; нотижорат ташкилотлар смета; жамоат бирлашмалари, кооператив ташкилотлар молиявий режалар давлат органлари бюджетнинг турли кўринишдаги режалари.

Молиявий режалаштириш қуйидаги принципларга асосланади:

-режаларни илмий асосланганлиги. Бу принципнинг нафақат молиявий режаларни реаллигини таъминлайди, балки узок муддатли даромад кўриш омиллари ҳам танлаб беради.

-мақсадли принцип, молиялаштиришга қаратилган эгасини аниқлаб беради.

Молиявий режалаштиришнинг асосий методлари қуйидагилар:

-математик модел методи

-норматив метод

-баланс методи

-коэффициентлар методи

-экстрополяция методи. Маблағларни бошқариш ва молиявий ҳуқуқ. Бошқариш-ижобий натижаларга эришиш мақсадида объектга мақсадли равишда ўтказилган метод ва усуллар таъсири. Бошқариш фаолиятининг асосий соҳаси маблағларни бошқариш;

-махсус аппаратни ишга тушуриш. Мабалағларни бошқаришда объекти ва субъектлари аниқланади. Объектлар сифатида турли молиявий муносабатлар фаолият кўрсатади ёки ҳисобланади.. субъектлар сифатида бошқарувни амалга оширадиган ташкилий структуралар ҳисобланади.

Маблағларни соҳалар классификациясига кўра, қуйидаги бошқариш гуруҳ, объектлари мавжуд;

Корхоналар маблағлари ташкилотлар суғурта компаниялари давлат маблағлари. Уларга қуйидаги бошқариш субъектлари мос келади. Корхона ташкилот муассаса молиявий бўлимлари суғурта органлари молиявий органлар, солиқ маъмурияти.

Маблағларни бошқараётган ташкилий структураларни молиявий аппарат деб айтилади.

Бошқариш субъектларидан молиявий муносабатларни ҳар бир соҳа бўғинида фойдаланилади. Маблағларни бошқаришда бир неча фаолият кўрсатувчи элементларни аниқлаш мумкин: режалаштириш оператив (тезкор) бошқариш, назорат. Режалаштириш маблағларни бошқаришда салмоқли ўринни эгаллайди. Режалаштириш мобайнида хўжалик субъекти ҳар томонлама ўз маблағларни ҳолатини баҳолай олади, молиявий захираларни кўпайтириш имкониятини кўпайтириш имкониятининг топади, улардан самарали фойдаланишга интилади. Оператив (тезкор) режалаштириш комплекс чоралари. Улар асосида молиявий аҳволни оператив тахлили ўтказилади. Назорат бошқариш элементи сифатида, режалаштириш ва оператив бошқарув жараёнида ўтказилади. У молиявий захираларни амалда фойдаланишдаги натижаларини режадаги билан солиштиради: молиявий ресурсларни захирадаги ҳиссини аниқлаб беради. Стратегик ёки маблағларни бошқаруви, оператив бошқарув стратегик бошқарув мақсадли программаларни бажаришдаги молиявий захираларни ҳажминини белгилаш. Ушбу фаолият давлат ва иқтисодий (хўжалик) бошқарув томонидан ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги маблағларни оператив бошқарув молиявий тизим аппаратининг асосий функциясидир: Молия вазирлиги, маҳаллий бошқармаларнинг молиявий бошқарув бўлимлари, нобюджет фондларнинг дирекцияси, суғурта ташкилотлари. Давлат солиқ сиёсати орқали молия бозорини бошқаради, кичик бизнес тизимида раҳномалик қилади. Молиявий

муносабатларни ҳар бир шубҳаси бўғинига нисбатан маблағларни бошқаришда илмий ёндашиш талаб этилади. Молиявий механизмда молиявий ҳуқуқ муҳим ўрганига эга. Молиявий ҳуқуқ молиявий қонунчилик ёрдамида амалга оширилади. Молиявий қонунчилик ўз навбатида турли юридик даражасига эга бўлган молиявий ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат. Жумладан, қонунчилик актлари, ҳукумат қарорлари, Президент қарорлари, Молия вазирлиги йўриқномалари. Улар жамиятдаги молиявий муносабатларни бошқаради. Молиявий ҳуқуқ молиявий механизмнинг бошқа элементлари каби динамикага эга. Молиявий қонунчилик актларни тартибга солиниши янгиланиши туфайли ривожланиб келади.

Маблағларни бошқариш органлари. Молиявий сиёсат давлат маблағларни бошқариш органлари ёрдамида ишлаб чиқилади ва ҳаётга тадбиқ этилади. Маблағларни бошқариш олий қонунчилик ва ижро органлари томонидан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва қўмиталари давлат маблағларни стратегик, умумий бошқарувини таъминлайди. Ижро органларини, уларни молиявий фаолиятига кўра 2-гурухга бўлиш мумкин:

1. Ижро органларни молиявий функцияларига кўра маблағларни бошқариш.

Бу (Молия вазирлигидан ташқари) вазирликлар, муассаса ва бошқа ижро органлар. Улар корхона сметаларни тасдиқлайди, молиявий захираларни соҳалар бўйича тақсимлайди, молиявий захираларни ёритадилар.

2. Ижро органларининг асосий фаолияти молиявий фаолияти. Органлар маблағлар ва кредитни махсус бошқариш учун яратилган бўлиб, молия кредит органлари тизимини ташкил қилади. Молия вазирлиги давлатнинг молиявий аҳолига, сиёсатни тадбиқ этилишига маъсулдир. Молия Вазирлиги қуйидаги функцияларни бажаради:

Давлат молиявий ресурсларни ва тўлов балансини ишлаб чиқишдаги иштироки. Ўзбекистоннинг давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш Вазирлар

Маҳкамасига топширади, маъқуллангандан кейин, Олий Мажлисни қонунчилик палатасига топширади. Иқтисодий саволлар бўйича янги молиявий қонунчилик ва норматив актлар проектларини ишлаб чиқиш. Давлат молиявий сиёсатини асосий қоидаларини асослаб бериш, бюджет ва солиқ сиёсати Концепциясини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ҳукумати ва Олий Мажлис ҳукмига ҳавола қилади. Олий Мажлисни бюджет ва солиқ палатаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- барча бошқариш органлар томонидан бажарилаётган қонунчиликни назорат қилиш.

- қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш

- давлат кредит ва бошқарув тизими орқали маблағларни сафарбар қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш. Молия Вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқаради. У ўзига юклатилган вазифалар ва функциялари учун маъсулиятни бажаради, низомдан келиб чиқиб, қарор ва йўриқномаларни қабул қилади, Молия вазирлигини таркиби бешта бошқармадан иборат. Назорат-тафтиш бошқармаси, бюджет бошқармаси, ғазначилик бошқармаси, пенсия жамғармаси бошқармаларидан иборат. Назорат-тафтиш бошқармаси молиявий назоратни амалга оширади. Давлат маблағларини бошқариш органларига давлат солиқ маъмурияти ҳам қиради. Унинг асосий вазифаси давлат солиқ сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш. Солиқ маъмуриятини асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонунчилик проектларини ишлаб чиқиш

- солиқ тўловчилар ўртасида оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш

- солиқ тўловчиларни ва солиқларни бюджетга тушишини ҳисобга олиш;

- мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши. Ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- солиқ қонунларига нисбатан жарима санкция ишлатиш ва маъмурий чора белгилаш;

-солиққа тортиш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Молиявий механизм методлар тўплами бўлиб, улар орқали молиявий ресурсларни яртаиш ва фойдаланиш тушунилади. Корхоналарни молиявий бошқарув жараёнини ўтказиш мақсадида молиявий механизмдан фойдаланилади. Иқтисодий адабиётда молиявий молия-кредит механизм тушунчасиданнинг фойдаланилади. Молиявий механизмни 2 та аспекти бор:

Молиявий механизмда деганда корхоналарни маблағлари тушунилади. Молиявий муносабатлар пул маблағлар оқимини ифодалайди. Бу оқимларни ташкил қилиниши, рўйёбга чиқариш тартиби маълум қоида, йўналишлар асосида ўтказилади, яъни иш орқали молиявий техникани тавсифини беради. Молиявий механизм ўзида ташкил топган молиявий муносабатларни акс эттиради.

Молиявий механизм методлар, инструментлар, усуллар, бошқарув элементлар тўплами бўлиб, корхонанинг ҳолати ва ривожланишига таъсир ўтказади. Шунга қарамай, илмий адабиётда молиявий механизм тушунчаси аниқ тавсиф берилмаган. Илғор ғарб олимлари томонидан ўтказилаётган тадқиқот ишларида молиявий методларни корхона, давлат, жамиятга бўлган таъсирини ўрганиб келмоқдалар Россия олимлари Л.А.Драбодика, В.М. Радионоваларни фикрича молиявий механизм молиявий муносабатларни ташкил қилиш усулидир. Молиявий механизм-таъсир этувчи элемент ва инструментлардан ибора. Бироқ Германия олими В.К Сенчагов, молиявий механизм структурасини аниқлади ва молия кредит механизми 3 та тизимдан иборатлигини таъкидлади: Молия кредит режалаштируви, молия кредит элементлари, молия кредит тизимининг ташкилий структуралари ва хуёуый тартиб. Украина олимлари В.М.Федосов, В.М.Опарик, С.Я.Огородникларни фикрига молиявий механизми 2 тизимни ўз ичига олади: молия-кредит таъминоти, молия кредит бошқарув, ҳамда ташкилий структуралар, таъсир этиш элементлари олим, В.М.Опарин, молия-кредит механизми тушунчасига жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи молиявий метод, инструментлар ва элементлар тўплами деб

таъриф беради. С.В.Левочкин молия-кредит механизм ўрнига молиявий механизм тушунчасини киритишини таклиф қилади. Кредит маблағлар асосини кредит тизими молия бозорини ташкил қилади, у эса ўз навбатида молиявий тизимга бўйсинади. Молиявий механизм молиявий таъсир ўтказувчи молиявий инструментлардан ва субъектни ҳаққони ҳолатини акс эттирувчи молиявий индикаторлардан иборатдир. Олимларнинг фикрини умумлаштирганда молиявий механизмга доир қуйидаги таърифни бериш мумкин бўлади. Молиявий механизм корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига молиявий таъсирни рўёбга чиқариш методлар тўплами.

Молиявий механизм қуйидагилардан иборат: молиявий таъминот, молиявий бошқарув, молиявий индикатор ва молиявий инструментлар тизими. Молиявий механизм умумий моделга эга. Молиявий таъминот хўжалик субъектининг молиявий сиёсатини маълум масалаларни ечимига қаратилган ва ажратилган молиявий ресурсларни ўз ичига олади.

Молиявий механизм молиявий муносабатлар қатнашчиларининг иқтисодий манфаатдорлигини рўёбга чиқаришга қаратилган бу жараёнда қуйидаги йўналишлар ўз ифодасини топади:

- молиявий инструментлар (асбоблар) ёрдамида даромадларни тақсимлаш маълум пропорциялари ўрнатилади.

- маълум пропорцияларни ўрнатилиши натижасида иқтисодий манфаатдорлик тизими ўрнатилади.

XX аср 2-ярмида иқтисодиёт фанида, давлат маблағлар ёрдамида мамлакат ва корхона иқтисодиётига таъсир ўтказа олади-деган фикр тарқалган эди. Молиявий таъминот ва молиявий бошқарув молиявий асбоблар ёрдами амалга ошади. Молиявий асбоблар элементлари қуйидагиларга бўлинади:

- бирламчи таъсир этувчиларга; солиқлар, даромадларни бир қисми ундирилганда. Иккиламчи таъсир этувчига даромадларни кўпайишига олиб келади. (банк ссудалари, бюджет субсидиялари).

Молиявий инструментлар (асбобларни) фаолияти қуйидагича молиявий муносабатларда қатнашуви ҳамма субъектлар учун умумий қоидалар асосида (солиқ ундиришнинг ягона таърифи, кредит, молиялаштириш. Корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи ричаглар бошқариш элементлари молия инструментлар асбоблар, характерини аниқлаб беради ва бўлинади. Харакат йўналишига қараб рағбатлантириш, жарималар турига қараб норма ва нормативлар;

-методик принциплар-даромадлар, фондларни шаклланиш шартлари,принцилари; молиялаштириш ва кредитларни шартлари ва принциплари. Корхонанинг методологик инструментларни аниқлаш классификацияси, тан олиш ва баҳолашнинг методологик асослари бухгалтерик ҳисоблаш стандарти томонидан қабул қилинган “Молиявий инструментлар” ҳозирги шароитларда молиявий методлар ёрдамида ҳаракатга келтиралаётган молиявий механизмнинг молиявий ричаглари дир, бошқариш элементлар дир. Бундан ташқари молиявий механизм ҳуқуқий норматив, информацион ва ташкилий таъминотга эга.

Молия назариясида молия индикаторлар тизими қуйидагилардан иборат.

- молиявий категориялар;
- молиявий кўрсаткичлар;
- молиявий коэффицентлар.

Молиявий категорияларни молиявий индикаторлар сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар фақат реал иқтисодиё муносабатлар, яъни назарий тушунчаларни акс эттириади ва улардлан информацион база сифатида фойдаланиб бўлмайди. Корхонанинг молиявий кўрсаткичлари молиявий операцияларни ҳажми, молиявий муносабатларни тавсифини беради, бу эса ўз навбатида молиявий фаолиятни қўллашини баҳолашга имкон беради. Молиявий коэффицентлар бу нисбий молиявий кўрсаткичлар дир. Улар молиявий фаолиятини баҳолашга имкон берадилар. Айнан улар молиявий индикаторлар ўрнини боса оладилар. Шундай қилиб, молиявий механизм бу мураккаб тизим бўлиб, молиявий фаолиятни

бошқаришга имкон беради. Иккичидан, бу механизм ҳамма муаммоларни амалиётда ечишга қодир бироқ тақсимлаш муносабатларни моҳияти муҳим хисобланиб асосий бошқарув ишлаб чиқиш соҳасида амалга оширилади.

Молиявий механизмда молиявий режалаштириш ва истиқболни белгилаш асосий бўғини сифатида

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш тизимининг асосий босқичларидан бири режалаштиришдир⁵. Иқтисодий адабиётларда, энг умумий шаклда, режалаштириш истиқболга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш бўйича фаолият деб талқин қилинади.

“Режалаштириш” тушунчасининг маъно мазмунини янада умумийроқ бўлган ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг объектив зарурлиги ва имкониятини аниқлаш реаллик орқали аниқлаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам режалаштириш амалиётда режалиликни амалга оширишни яъни мувозанат ва мутоносибликка эришиш бўйича онгли фаолиятни билдиради. Шу маънода молиявий ресурсларнинг мувозанатини ва мутоносиблигини таъминлашга қаратилган фаолиятга молиявий режалаштириш дейилади.

Бундай мувозанат давлат ихтиёрида бўлган молиявий ресурслар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида қолган даромадлар ўртасидаги оптимал нисбатни билади. Мутаносиблик эса корхоналар, ҳўжалик тармоқлари минтақалар ва давлат субъектлари бўйича даромадларнинг солиқ тўлангунча ва солиқ тўлагандан кейинги миқдорлари ўртасидаги оқилона нисбатдан иборат. Ана шу нисбатни кўпайтириш ёки

⁵ Мамлакатимизда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан айрим иқтисодчилар тамонидан иқтисодиётда режалаштиришнинг шу жумладан молиявий режалаштиришнинг роли бутунлай инкор этилмоқда. Бу нарсани бозор иқтисодиётининг режали иқтисодиётдан туб фарқ қилиши ундаги муносабатлар режалаштирилмасдан, балки аксинча стихияли равишда вужудга келиши ва ҳ.к.лар билан изоҳлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу боисдан ҳам айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларда режалаштириш шу жумладан молиявий режалаштириш масалаларига ўрин берилмаяпти. Ушбу ўқув қўлланмаси муаллифларнинг фикрига бозор иқтисодиётининг энг аввало талаб ва таклифга асосланиши тегишли иқтисодий жараёнларнинг режалаштиришдан мутлақо воз кечилишини аниқлатмайди. Аксинча, бозор иқтисодиётида ҳам режалаштириш(шу жумладан молиявий режалаштириш ҳам) янги маъно мазмунан касб этиб, ижтимоий иқтисодий жараёнларни бошқарув тизимининг энг муҳим босқичи бўлиб қолаверади.

камайтириш орқали давлат уларнинг ривожланишини рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиши мумкин.

Умумий ва оддий кўринишда, молиявий режалаштириш дейилганда молиявий режаларни тузиш ва амалга ошириш жараёни назарда тутилади. Молиявий режани худди уни ишлаб чиқиш, яратиш ёки тузиш жараёни каби молиявий кўрсаткичларни ижодий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўзаро боғлаш тизими сифатида қараш керак.

Амалиётда тез – тез фойдаланиладиган режалаштириш маълумотларини, масалан корхона фаолиятининг шаклий моделини ишлаб чиқиш ва шу асосда молиявий кўрсаткичларнинг режали тизимини аниқлашни, молиявий режалаштиришининг ишчи тизими сифатида қараш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, молиявий режалаштириш жараёнида у ёки бу субъект фаолият кўрсатиш молиявий таъминланишининг ҳаётийчанлигини оширувчи хилма – хил омиллар инобатга олинishi керак.

“Молиявий режалаштириш” тушунчаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тараққиётнинг асосий тенденцияларни аниқлаш ва молиявий таҳлил қилиш;
- жалб қилинган маблағлар ва вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштириш менежменти;
- фирма ичидаги молиявий натижалар ва пулларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш технологияси;
- инвестицион менежмент;
- капиталлар менежменти;
- фаолиятнинг бошқа кўринишлари(траст, факторинг, лизинг ва бошқалар).

Қуйидагилар молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш инвестицион ва молиявий фаолиятнинг керакли бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш;

- пул маблағларини иқтисоди қилиб, тежаб – тергаб фойдаланиш ҳисобидан корхонанинг фойдасини ошириш бўйича ички имкониятларни қидириб топиш;
- капиталнинг самарали жойлаштириш йўллари аниқлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни баҳолаш;
- контрагентлар билан оптимал молиявий муносабатларни ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий аҳволи тўловга қобиллиги ва кредитга лаёқатлилиги устидан назорат ўрнатиш.

Бозор муносабатларига ўтилгунига қадар молиявий режалаштиришнинг мазмуни корхоналарда соф оператив вазифаларни марказлаштирилган иқтисодиёт амал қилганги учун етарли даражада нормал бўлган корхоналарнинг беш йиллик молиявий режаларидаги кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, истиқболга мўлжалланган режаларнинг лойиҳаларни баҳолаш корхоналарнинг йиллик молиявий режаларини тузиш кабиларни ҳал этишга қаратилган эди. Бозор иқтисодиётида молиявий хизматларнинг обрўйига обрў қўшмас, чунки уларга ҳеч нарса боғлиқ эмас эди. Бозор иқтисодиётида молиявий хизматларнинг роли тубдан ўзгарди. Улар корхона ривожланишини фаол ва таъсирчан бошқаради ва бир вақтнинг ўзида, шу ривожланишнинг йўналиши ва сифатини назорат қилади.

Ҳозирги шароитдаги молиявий режалаштириш барча зарурий ҳаракатларни олдиндан кўзда тутишгина (кўра билишигина) эмас. Бу тегишли ишларни амалга ошириш жараёнида юзага чиқиши мумкин. Бўлган ҳар қандай кутилмаган ҳолатларни кўра олиш қобилияти ҳамдир.

Албатта хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятидаги барча рискларга барҳам бераолмайди. Лекин у ана шундай вазиятларни олдиндан кўра билиш ёрдамида самарали бошқариш имкониятига эга.

Молиявий режалаштириш амалиётида қуйидаги асосий методлардан фойдаланиш мумкин:

- иқтисодий таҳлил методи;
- норматив метод;

- балансли ҳисоб-китоблар ва пул оқимлари методи;
- кўп вариантлилик методи;
- иқтисодий-математик моделлаштириш методи;
- ва бошқа методлар.

Молиявий режалаштириш жараёнининг қуйидаги асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларни тадбиқ этиш;
- оператив режаларнинг ўзгариши асосида молиявий ҳисоботларнинг башорат вариантларини ишлаб чиқиш;
- ўз режа топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларга бўлган аниқ эҳтиёжларини аниқлаш;
- молиялаштириш манбалари (шу жумладан, ички ва ташқи манбаларнинг) ва уларнинг таркибий тузилишини башоратлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш тизимини яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш;
- шакллантирилган режаларни оператив ўзгартириш таркибини ишлаб чиқиш;

молиявий режалаштиришнинг икки тури бўлиши мумкин:

- стратегик молиявий режалаштириш;
- жорий молиявий режалаштириш.

Стратегик молиявий режалаштириш ўз ифодасини стратегик молиявий режаларда топадики, у ташқи ва ишчи муҳитда ўзгараётган хўжалик юритиш субъекти молиявий тараққиётининг кўп вариантли башоратидан иборат.

Стратегик молиявий режа, ҳеч бўлмаганда, қуйидаги саволларга аниқ жавоб бермоғи лозим;

- хўжалик юритувчи субъект учун талаб қилинадиган капиталнинг ўлчами қандай, у қайси манбалар ҳисобидан ва қандай муддатларда жалб қилинади?

- Бу капиталдан қандай қилиб фойдаланилади?
- Ўз кучига ишонган ҳолда хўжалик юритувчи субъект ривожланиши мумкин? Агар йўқ бўлса, молиявий ресурсларни жалб қилишнинг манбалари қандай?
- Хўжалик юритувчи субъект пул маблағлари тушуми, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва инвестициялар даромадлигининг қандай даражаларига чиқиши мумкин, қай муддатларда? Ўз навбатида жорий молиявий режалаштиришнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:
 - Ишлаб чиқариш, инвестицион, маркетинг илмий-лойиҳавий ва қидирув фаолиятларини ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг ҳажми ва манбаларини аниқлаш;
 - Маҳсулотни (ишни, хизматни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таннархини режалаштириш;
 - Пул оқимларини режалаштириш;
 - Бутун хўжалик юритувчи субъект доирасида фойдани режалаштириш;
 - Инвестиция даромадлигини режалаштириш.
- Молиявий режалаштириш мамлакат миллий хўжалигини режалаштиришнинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаси кўрсаткичларига таянади, молия тизимидаги барча органларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришга йўналтирилади. Молия тизими таркибидани алоҳида бўғинларнинг нисбий мустақиллиги қуйидагиларни ўзида акс эттирувчи молиявий режалар ишлаб чиқиши зарурлигини тақозо этади;
- Пул фондаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва методларининг ўзига хослиги;
- Молиявий ресурсларни тармоқлар ва ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш.

Молиявий режалаштиришнинг бош объекти режада ўз миқдорий ифодасини оладиган молиянинг бўғинлари ҳисобланади. Конкрет пул

фондлари маблағларининг ҳаракати ягона тизимга бирлаштирилган тегишли молиявий режаларда ифодаланади ва мустаҳкамланади.

Молиявий режалар тизими марказини бюджет режаси эгаллайдики, унда бюджет фондининг ҳаракати, даромадлари ва харажатларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва методлари, даромад ва харажатларнинг таркибий тузилиши ва тузилмаси ўз миқдорий ифодасини топади.

Суғурта фонди бутун жамият алоҳида минтақалар, ҳудудлар ва фуқаролар миқёсидаги ёқотмаларни тиклаш учун керак бўлади. Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун суғурта фонди ҳам режали тарзда шакллантирилди ва ундан фойдаланилади. Бу ердаги молиявий режанинг даромадлар қисмида корхона, ташкилот ва алоҳида фуқароларнинг бадаллари, бошқа фондлардан маблағларнинг тушиши, харажатлар қисмида эса табиий офатлардан кўрилган зарарларни қоплаш, суғурталанганларга суғурта тўланмалари суммасини тўлаш кабилар акс эттирилади. Суғурта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш режасини маблағлардан янада самаралироқ фойдаланишга имкон беради.

Молиявий режалаштиришнинг умумдават ва ҳудудий даражаларига истиқбол учун мўлжалланган молиявий режалар,, молиявий баланслар, шунингдек, аҳоли даромадлари ва харажатлари ҳаракати мувозанатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Истиқболдаги молиявий режалаштириш иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ҳамда молиявий сиёсатни мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқиладиган ислохотлар, дастурлар ва қонунларнинг молиявий оқибатларини комплекс тарзда башоратлаш узок муддатли салбий тенденцияларни кузатиш ва уларга нисбатан тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилиш мақсадларида амалга оширилади.

Одатда, истиқбол учун мўлжалланган молиявий режалар навбатдаги уч йил учун ишлаб чиқилиб, унинг биринчи йили учун бюджет тузилади, навбатдаги икки йил режа даври ҳисобланиб, улар давомида эълон қилинган

иқтисодий сиёсатнинг ҳақиқий натижалари кузатилади. Истиқболга мўлжалланган молиявий режалар мамлакат, унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мослаштириб, яқин муддатли башорат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили ўзгартирилиши мумкин. Режа даври эса, бунда яна бир йил олдинга сурилади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги ва мувозанатини таъминлашда, пул муомаласини тартибга солишда давлатнинг йиғма молиявий баланси (молиявий ресурслар баланси) ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг даромадлар ва харажатлар баланси муҳим ўринни эгаллайди. Давлатнинг йиғма молиявий ресурслар баланси мамлакат, унинг субъектлари, маҳаллий-ҳудудий тузилмалари ва маълум ҳудудда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг барча даромадлари ва харажатлари йиғиндисидан иборатдир.

У ўтган йили давлатнинг ҳисобот йиғма молиявий баланси асосида ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг башорат кўрсаткичларига мувофиқ равишда тузилади ҳамда улар бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Бу молиявий хужжатлар молия вазирлиги ва молия тизимининг бошқа (бўғин) бўлинмаларининг фаол иштирокида иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Балансда бюджет фонди ҳамда бюджетдан ташқаридаги фондлар, суғурта фонди, кредит фонди, корхона ва ташкилотларнинг пул фондлари ва ниҳоят, фуқароларнинг пул маблағлари таркибида режалаштиралаётган ресурсларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш акс эттирилади. Молиявий режалаштиришнинг баланс методи мамлакат, унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва маҳаллий маъмуриятлари миқёсида молиявий ресурслар дефицитини аниқлашга, барча хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида маблағларни самарали ва асосли қайта тақсимлашга имкон беради. Давлатнинг молиявий ресурслар баланси мавжуд барча молиявий режаларни ягона тизимга бирлаштиради.

Унинг кўрсаткичлари бюджет ва кредит режаларини, шунингдек, бошқа молиявий режаларни тузишда асос сифатида қабул қилинади.

Бошқа синтетик баланс-аҳоли даромадлари ва харажатларининг баланси-давлатнинг йиғма молиявий баланс молиявий ресурслар баланси билан бевосита боғлангандир. Унда нақд пулли ва нақд пулсиз шакллардаги аҳоли пул ресурсларининг ҳаракати ўз ифодасини топади. Балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул даромадалари ўз манбасига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

- Иш ҳақи ва иш ҳақиға устамалар, мукофотлар, сафар харажатлари учун мўлжалланган маблағлар, йёлланма ходимларға иш берувчи томонидан амалға ошириладиган ижтимоий характердаги тўланмалар;
- Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, корхоналарнинг фойдасига иштирок этиш, шахсий мулк билан операциялар ва молия-кредит операцияларидан олинадиган даромадлар;
- Ижтимоий трансфертлар-давлат пенсиялари, нафақалар, стипендиялар ва шунга ўхшашлар.

Худди шунингдек, балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул харажатлари ҳам қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлади;

- Истеъмол харажатлари;
- Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар;
- Пул тўланмалари ва жамғармалари.

Молиявий режа ҳисобланган ушбу баланс аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги пропорцияни аниқлайди, меҳнат ҳақи ва пенсия таъминотининг ўсганлиги товарлар таклифи ҳажмининг ошганлигини ифодалайди. Шунга мувофиқ равишда, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси нақд пулли айланмаси, чакана товар айланмаси солиқ тушумлари, кредит ресурсларини режалаштириш учун муҳим роль ўйнайди. Бу баланс молия вазирлиги, Марказий банк ва молия тизимининг бошқа органлари иштирокида иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Маълумки бир муддатни қамраб олишига қараб молиявий режалар қуйида икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- Узоқ муддатли молиявий режалар;
- Қисқа муддатли молиявий режалар.

Узоқ ва қисқа муддатли молиявий режалар бир-бирларидан нафақат ўзининг қамраб олиш горизонти бўйича, балки режалаштириш мақсадларига кўра ҳам фарқланади. Агар узоқ муддатли молиявий режаларнинг (режалаштиришнинг) бош мақсади молиявий барқарорлик нуқтаи-назардан фирма кенгайишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган суръатларини аниқлаш бўлса, қисқа муддатли молиявий режаларнинг (режалаштиришнинг) бош мақсади фирманинг доимий тўловга қобиллигини таъминлашдан иборат.

Алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий режаси унга тегишли бўлган бизнес-режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Унда маркетинг, оператив фаолият, мулкка эгалик ҳуқуқи ва корхона фаолият кўрсатишининг бошқа йўналишлари қиймати кўрсаткичларида ифодаланади. Молиявий режа корхонанинг бутун фаолиятини молиявий жиҳатидан таъминлаш воситаси сифатида майдонга чиқади ва бир вақтнинг ўзида, шу фаолиятнинг молиявий натижаларини кўрсатади. Бизнес-режа таркибида молиявий режа қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқилади:

- Бозорларни ва кўзда тутилаётган сотувлар ҳажмини ўзлаштиришнинг лойиҳавий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- Таннархнинг турли кўринишларини (тўлиқ, ишлаб чиқариш тўғри ва бошқалар) ҳисоб-китоб қилиш. Бу ерда маркетинг тадқиқотлари, реклама, бозорларни, ўзлаштириш харажатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади:
- Пул маблағларининг йиллик оқимини лойиҳалаштириш ва молиявий натижаларни аниқлаш. Бу тушумларнинг келиб тушиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўзгариши, солиқ тўловларини оптималлаштириш ва бошқалар бўйича ўсиш-ўзгаришлар башорат қилинишини тақозо этади. Шу ернинг ўзида фойдага оид ҳисоб-китоблар корхонанинг жорий

истикболдаги салоҳияти билан, шунингдек бизнес-режанинг бошқа бўлимларида аниқланадиган чекланмалар билан мувофиқлаштирилиши керак;

➤ Зарурий инвестицияларнинг ҳажми ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича молиявий ресурсларнинг ҳажми уларнинг самарадорлиги ва фойдага таъсирини аниқлаш ва бошқалар.

Умуман олганда, молиявий режа кўрсаткичлари давлатнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун бошланғич материал ҳисобланади., истикболдаги режалаштириш учун ахборот асоси бўлиб хизмат қилади. Молиявий режалар тизими молиявий ресурслар манбаларининг (жисмоний ва юридик шахслар даромадлари) таркибий тузилишидаги ўзгаришлар объектив равишда ўзаро боғлиқлиги ва узоқ муддатли тенденцияларини шунингдек келажақдаги бу тенденциялар ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни аниқлашга имкон беради.

Молиявий режалаштиришни молиявий башоратлашсиз тасаввур этиб бўлмайди. У ёки бу давр мобайнида давлатнинг мумкин бўлган молиявий ҳолатини олдиндан кўра билиш ва молиявий режа кўрсаткичларини асослашга молиявий башоратлаш дейилади. Назария ва амалиётда молиявий башоратлаш иккига ажратилади:

- Ўрта муддатли (5-10 йиллик) молиявий башоратлаш;
- Узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) молиявий башоратлаш.

Молиявий башоратлаш молиявий режаларни тузиш босқичидан олдин содир бўлади. Унда жамиятнинг маълум бир даврдаги тараққиётига бағишланган молиявий сиёсат концепцияси ишлаб чиқилади.

Молиявий башоратлашнинг бош мақсади маълум бир даврда аслида мавжуд бўлиш эҳтимол тутилган молиявий ресурсларнинг ҳақиқий ҳажми, уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш истикболларини аниқлашдан иборат. Молиявий башоратлар молия тизими органларига молия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, молия сиёсатни амалга ошириш шакллари ва методларининг турли-туман вариантларини

белгилашга имкон беради. Шу маънода, молиявий башоратлар молиявий сиёсатни ишлаб чиқишнинг зарурий қисми ва бир вақтнинг ўзида муҳим босқичи ҳисобланади. Улар ёрдамида молия тизмининг барча субъектлари олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишнинг (ҳал қилишнинг) турли кўринишлари ишлаб чиқилади.

Молиявий башоратлаш турли методлар қўлланишини тақозо этади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин.:

- Иқтисодий жараёнларни аниқлайдиган омилларга боғлиқ равишда молиявий режа кўрастқичлари ривожини белгилайдиган иқтисодий ўлчов моделини яратиш;
- Корреляцион регрессион таҳлил;
- Бевосита экспертли баҳолаш методи.

Аниқ шакллантирилган мақсад ва унга эришиш воситалари ёндашувдан фойдаланадиган молиявий режалаштириш методи сифатида молиявий дастурлаштириш қуйидагиларни кўзда тутди:

Йўналишлари бўйича давлат харажатлари устуворлигини белгилаш;

- Давлат маблағлари сарфланишининг смарадорлигини ошириш;
- Муқобил вариантнинг танланишига мувофиқ равишда молиялаштиришни тўхтатиш.

Дастур вариантынинг танланиши, энг аввало, иқтисодий омилларга боғлиқ. Бунда фақат мақсадга эришиш кўлами, аҳамияти ва мураккаблиги эмас, балки мавжуд захираларнинг ҳажми, кутилаётган жами самара мўлжал амалга ошмаганда ички ёқотишлар ҳам ҳисобга олинади. Молиявий сиёсат соҳасидаги узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ва чораларни мувофиқлаштиришнинг муҳим усули сифатида дастурлаштиришдан ҳозирги молиявий режалаштириш амалиётида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг 60-йилларидан молиявий дастурлаштириш амалда қўлланмоқда. Унинг асосий моҳитяи беш йиллик ўзгариб турадиган харажатлар режасини тузиш билан белгиланди. Ҳар йили

жорий йил режаси кўрсаткичларининг кутилаётган ижроси асосида режа ўзгартирилади. Бунда кўрсаткичлар беш йиллик шкала бўйича бир йил олдинга (ҳисобот йилидан кейинги йилга) кўчирилади. Олдиндан турганбиринчи йилнинг режа кўрсаткичлари директив (мажбурий), кейинги тўрт йиллик кўрсаткичлар эса мўлжалли (ориентировкали) характерга эга ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ишлаб чиқариш мақсадларига, ресурслар ва ижрочилар бўйича мувозанатга йўналтирилган илмий-тадқиқот, ташкилий-хўжалик ва бошқа тадбирлар тизимидан иборат бўлган мақсадли комплекс дастурлар мажмуасидан кенг фойдаланилмоқда.

II. БОБ МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ДАСТАКЛАРИ БЮДЖЕТ ДАРОМАДИНИ АСОСИЙ МАНБАИ

Қўшилган қиймат солиғини тутган ўрни

Эгри (билвосита) солиқлар тизимида қўшилган қиймат солиғи алоҳида ўрин тутди. Бу тизимда унинг алоҳида ўрин тутди. Бу тизимда унинг алоҳида ўрин тутиши, бизнинг фикримизча, икки ёқламалик характерга эга. Унинг икки ёқлама характери, энг аввало, бу солиқнинг эгри (билвосита) солиқлар тизимидаги салмоғи билан белгиланади. Биз томонимиздан амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистонда кейинги йилларда қўшилган қиймат солиғининг эгри билвосита солиқлар тизмидашги салмоғи 50-55%ни ташкил этаяпти 1-жадвал.

Ўзбекистон республикасида 2010 йилда эгри (билвосита) солиқларнинг таркибий тузилмаси

№	Солиқларнинг номи	2010 йил	
		Млн сўм	%
1	Эгри (билвосита солиқлар)	3571023,6	100
1.1	Қўшилган қиймат солиғи	2000865,2	56,0
1.2	Акциз солиғи	1170405,2	32,8
1.3	Божхона божи	247877,5	6,9
1.4	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилганлик учун олинадиган солиқ	151925,7	4,3

Эгри (билвосита) солиқлар тизимида қўшилган қиймат солиғи ўрни ёқламалик характернинг иккинчиси бу солиқнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда роли билан

изоҳланади. Тадқиқотларимиз натижаларидан маълумки, охириги йилларда қўшилган қиймат солиғи ҳисобидан мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларининг қарийиб $\frac{1}{4}$ қисми (22-25%) ташкил топаётти⁶.

Эгри (билвосита) солиқларнинг таркибий қисми сифатида қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг амалдаги механизми янги таҳрирда қабул қилинган ва 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда кучга киритилган “Солиқ кодекси”нинг 7 бўлимида акс эттирилган 197-228-моддалари билан тартибга солинади.⁷ Кодекснинг ана шу моддаларида қўшилган қиймат солиғини тўловчилари, солиқ солиш объекти, товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш оёрооти, солиқ солинадиган оёротни белгилаш, солиқ солинадаиган импорт, товарларни реализация қилиш жойи, реализация қилиш оёротни амалга оширилган сана, солиқ солинадиган база ва уни белгилаш, унга тузатиш киритиш, товарларни импорт қилишда солиқ солинадаиган база, Ўзбекистон республикаси норезидентларидан олинадиган ишлар ва хизматларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари, имтиёзлари солиқдан озод қилинадиган товар иш, хизматларни реализация қилиш оёротни, молиявий хизматлар, суғурта хизматлари, импорт, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оёрот товарларни экспорт қилиш, товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқлаш, чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга соли қсолиш, “Божхона худудида ишлаш” божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга ва кўрсатилган хизматларга солиқ солиш, халқаро йўналишда ташишларга солиқ солиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматларга солиқ солиш, солиқни ҳисобга олиш ҳисобга олинадиган ва ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси, ҳисобга олинадиган солиқ суммаларига тузатиш киритиш, солиқ солинмайдиган реализация қилиш оёротни мавжуд бўлган тақдирда солиқни ҳисобга ўтказиш тартиби,

⁶ Бу фикрнинг тўғри эканлигини иқтисодчи-олимларимизнинг тадқиқотлари натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, қаранг: Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалари.-Т.: Академия, 2007.253 бет.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Республика Ахборот-маслаҳат маркази. Т.: “Ёшлар матбуоти”, 2008. 150-177 бет.

хисобварақ-фактура, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби (солиқ даври ва ҳисобот даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби,) солиқ юзасидан бюджет билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинadиган солиқ суммаси ҳисобот даврида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ошиб кетган тақдирда бюджет билан ўзаро муносабатлар, солиқ суммасини қайтариб бериш тартиби каби масалалар ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган механизмнинг амал қилиши (ҳаракатланиши) натижасида Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғи бюджетга ундирилади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай механизми қанчалик мураккаб тузилишга эга бўлса, унинг ҳаракат қилиши ёки таъсирчанлиги осонлик билан содир бўлмайди. Бу билдирилган фикр қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмига ҳам тўлиқ тегишлидир. Шундай бўлишига қарамасдан, бу механизмнинг қандай ишлаётганлигини ва унинг ёрдамида нималарга эришилаётганлигини биз 2-жадвал (навбатдаги бетга қаранг) келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида билиб олишимиз мумкин.

Кўришиб турибдики, 2-жадвалда Ўзбекистон республикаси бўйича кейинги 5 йил давомида солиқларнинг умумий тушуми ва уларнинг таркибийда қўшилган қиймат солиғига тегишли бўлган маълумотлар келтирилган.

2008-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумларининг умумий таркибида қўшилган қиймат солиғи⁸

2-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		млдр сўмда	%да	млдр сўмда	%да	млдр сўмда	%да
1	Ўзбекистон республикаси бўйича солиқ	2564,1	100,0	3220,9	100,0	4376,0	100,0

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2008-2010 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида тузилган.

	тушумларининг умумий суммаси						
2	Қўшилган қиймат солиғи суммаси	523,3	20,4	746,8	23,2	1108,3	25,3
3	Қўшилган қиймат солиғи суммаси (салмоғининг олдинги йилга нисбатан ўзгариши)	+94,5	-2,5	+223,5	+2,8	+361,5	+2,1

Уларнинг кўрсатишича, йиллар оралиғида “Қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизми” нинг амалда ҳаракат этиши натижасида мамлакатимиз бўйича келтирилган солиқ тушумларининг 20,4%дан (2008 йил) 25,3% гачаси (2010 йил) ундирилган. Бу республикаимиз бўйича ундирилган солиқ тушумларининг $\frac{1}{4}$ ёки $\frac{1}{5}$ қисми, демакдир. Ана шу рақамларнинг ўзлари ундиради бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ тушумларини ундиришда қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмнинг роли ёки жамияти қандай эканлигини кўрсатапти.

Бир вақтнинг ўзида, бу механизмнинг ҳаракат этиш ҳолатига нисбатан 2008-2010 йил оралиғида қуйидагилар хос эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз:

➤ Қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмнинг ҳаракат этиши натижасида ундирилган қўшилган қиймат солиғининг солиқлар умумий тушумига нисбатан салмоғи хусусида таҳлил остида олинаётган йиллар давомида аниқ бир тенденция шаклланмаган. Бунга тегишли бўлган ҳолат йиллар оралиғида эса ўсиш (2010-2008 йилга нисбатан 4,9 фоизли пунктга ёки 24,0%га) билан характерланади;

➤ Шу давр оралиғида тегишли механизмнинг ҳаракатига мувофиқ равишда ундирилган қўшилган қиймат солиғи абсолют суммаси 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 2 баробардан кўпроқ мартага ортган. Албатта, маълум маънода, бу рақамларни тўғридан-тўғри таққослаш ўзининг маъносига эга бўлмасда (чунки бу рақамлар қиёсий эмас, балки жорий баҳоларда келтирилган), бироқ нисбатан қисқа бўлган 3 йил ичида бу кўрсаткичларнинг 2 мартадан кўпроққа ортганлигини изоҳлаб бериш анча мураккаб иш

хисобланади. 2008-2010 йиллар оралиғида қўшилган қиймат солиғининг ставкасида кескин ўзгаришларнинг амалга оширилмаганлиги эътиборга олинadиган бўлса, муаммо янада мураккаблaшaди.

Хуллас, қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмига доир юқоридаги ҳолатлар вужудга келганлигининг бир неча объектив ва субъектив сабаблари бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, уларнинг содир бўлганлиги, жумладан, ҳали-ҳамон “Қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизми” да айрим ҳал этилмаган муаммоларнинг бор эканлиги билан ҳам аниқланади. Шунинг учун бундай шароитда ана шу муаммоларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш йўллари қидириб топиш алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси миқёсида келтирилган умумий маълумотларнинг таҳлил қилиниши етарли деб бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ушбу масалани республикаимизнинг маъмурий-ҳудудлари кесимида ҳам кўринибчикиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун диссертацион тадқиқотда масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор берилди ва таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 3-жадвалларда келтирилди (навбатдаги бетларга қаранг).

Хусусан, 3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2008-2010 йилларда мамлакатимизда ундирилган солиқларнинг умумий суммасига нисбатан қўшилган қиймат солиғининг даражаси 20,4%дан 2007 йил 25,33%гача тебранган бўлса-да, бу кўрсаткичнинг ўртача даражасига қараб туриб, республикаимиздаги маъмурий ҳудудларни шартли раившда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича солиқ тушумларининг умумий таркибида қўшилган қиймат солиғи

3-жадвал

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар					Ўрта часи
	2006	2007	2008	2009	2010	
Қорақалпоғистон республикаси	21,01	19,53	19,76	22,89	22,07	21,05
Андижон вилояти	23,00	21,79	17,59	18,51	20,33	20,24
Бухоро вилояти	28,49	27,38	28,07	32,99	34,99	30,38
Жиззах вилояти	18,04	23,02	24,76	25,86	31,05	25,54
Қашқадарё вилояти	31,77	31,90	28,69	34,97	29,80	31,42
Навоий вилояти	16,15	11,92	5,63	8,35	11,22	10,65
Наманган вилояти	26,07	25,76	26,02	26,22	22,49	25,31
Самарқанд вилояти	21,44	22,23	21,87	22,47	21,32	21,86
Сурхондарё вилояти	21,36	24,57	25,67	26,01	26,65	24,85
Сирдарё вилояти	22,60	26,89	28,55	32,59	29,03	27,93
Тошкент вилояти	18,63	16,62	13,69	13,39	18,78	16,22
Фарғона вилояти	22,33	23,42	24,88	32,79	37,07	28,09
Хоразм вилояти	30,72	29,46	26,80	28,81	25,55	28,27
Тошкент шаҳри	22,87	24,09	23,69	25,48	26,07	24,44
Ўзбекистон Республикаси	23,07	22,91	20,41	23,19	25,33	22,97

➤ ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудлар;

➤ ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган маъмурий ҳудудлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи республикаимизнинг маъмурий ҳудудлари ва уларга тегишли бўлган маълумотлар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудлар

4-жадвал

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар					Ўрта часи
	2006	2007	2008	2009	2010	
Қорақалпоғистон республикаси	21,01	19,53	19,76	22,89	22,07	21,05
Андижон вилояти	23,00	21,79	17,59	18,51	20,33	20,24
Навоий вилояти	16,15	11,92	5,63	8,35	11,22	10,65
Самарқанд	21,44	22,23	21,87	22,47	21,32	21,86
Тошкент вилояти	18,63	16,62	13,69	13,39	18,78	16,22
Ўзбекистон Республикаси	23,07	22,91	20,41	23,19	25,33	22,97

4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундиришнинг амалдаги механизмига баҳо бериш нуқтаи-назаридан бир неча хулосаларга келиш мумкин. Бизнинг назаримизда, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- республикадаги мавжуд 14 та маъмурий ҳудудларнинг 5тасида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражаси шу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан бирмунча паст. Улар орасидаги тебраниш 10,65%дан (Навоий вилояти) 21,86гачани (Самарқанд вилоятида) ташкил этади;
- келтирилган 5та маъмурий ҳудудларнинг фақат 2тасида, яъни Андижон ва Навоий вилоятларидаги тенденциялар ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражасига тегишли бўлган республикадаги умумий тенденцияга (2005-2007 йиллар оралиғида пасайиш ва 2008-2011 йиллар оралиғида ўсиш) мос келади. Қолган маъмурий ҳудудлардаги вазият республикадаги умумий вазиятдан, бироз бўлса-да, фарк қилади. Хусусан, таъкидланган кўрсаткич учун Самарқанд вилоятида 2005-2010 йиллар оралиғида йилдан йилга “ортиш-камаиш” тенденцияси хос

бўлган бўлса, Тошкент вилояти учун 2005-2007 йилларда пасайиш ва 2009-2010 йилларда эса ортиш, Қорақалпоғистон Республикасида эса 2005-2006 йиллар оралиғида пасайиш, 2008-2009 йилларда ортиш ва 2009-2010 йилларда эса камайиш хос бўлган;

➤ таҳлил остига олиган йиллар давомида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражси шу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан бирмунча паст бўлган маъмурий ҳудудларда бу жараёнга тегишли бўлган умумий ҳолат сақланган бўлса-да, айрим маъмурий ҳудудларда ва айрим йилларда тескари ҳолатнинг вужудга келганлиги шу жойларда тегишли резервларнинг мавжуд эканлигидан дарак беради. Шу муносабат билан бу ҳолатда вазифа, бизнинг фикримизча, қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмида мавжуд бўлган резервларни қидириб топиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш билан бевосита боғланган бўлиши керак.

Энди ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражси республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган ва шартли равишда иккинчи гуруҳга киритилган маъмурий ҳудудларга тегишли бўлган маълумотлар билан танишайлик. Бу маълумотлар 5-жадвалда келтирилган (навбатдаги бетга қаранг).

Худди юқоридаги тарзда бу ерда ҳам 5-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундиришнинг амалдаги механизмига баҳо бериш нуқтаи-назаридан бир неча ҳулосаларга келиш мумкин. Уларнинг энг муҳимлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

➤ республикадаги мавжуд 14та маъмурий ҳудудларнинг 9тасида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражси шу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан бирмунча юқори. Улар орасидаги тебраниш 24,44%да (Тошкент шаҳри) 31,42%гачани (Қашқадарё вилояти) ташкил этади;

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ундирилган умумий
солиқларнинг ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражси
республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган маъмурий ҳудудлар

5-жадвал

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар					Ўрта часи
	2006	2007	2008	2009	2010	
Бухоро вилояти	28,49	27,38	28,07	32,99	34,99	30,38
Жиззах вилояти	18,04	23,02	24,76	25,86	31,05	25,54
Қашқадарё вилояти	31,77	31,90	28,69	34,97	29,80	31,42
Наманган вилояти	26,07	25,76	26,02	26,22	22,49	25,31
Сурхондарё вилояти	21,36	24,57	25,67	26,01	26,65	24,85
Сирдарё вилояти	22,60	26,89	28,55	32,59	29,03	27,93
Фарғона вилояти	22,33	23,42	24,88	32,79	37,07	28,09
Хоразм вилояти	30,72	29,46	26,80	28,81	25,55	28,27
Тошкент вилояти	18,63	16,62	13,69	13,39	18,78	16,22
Ўзбекистон Республикаси	23,07	22,91	20,41	23,19	25,33	22,97

- гарчи республикамиздаги ўртача даражадан юқори бўлишига қарамасдан, келтирилган 9та маъмурий ҳудудларнинг фақат 1тасида, яъни Тошкент шаҳрида 2005-2010 йилар давомидаги тенденция ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражсига тегишли бўлган республикадаги умумий тенденцияга (2005-2010 йиллар оралиғида пасайиш ва 2008-2010 йиллар оралиғида ўсиш) мос келади;
- Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари учун эса ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражасига тегишли бўлган бу тенденция таҳлил қилинаётган йиллар давомида узлуксиз ўсиб бориш тенденциясига эга бўлганлиги билан характерланади. Масалан, букўрсаткичнинг даражаси юқоридаги вилоятлар учун 2005 йилда, мос равишда 18,04%, 2136 ва 22,33%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда эса уларнинг даражаси, мос равишда, 31,05%, 26,65% ва 37,07га тенг бўлган.

Худди шундай тенденция 2004-2007 йиллар оралиғида Бухоро вилоятига ва 2005-2009 йиллар оралиғида Сирдарё вилоятига ҳам тегишли;

➤ Бу гуруҳга кирувчи вилоятлар орасида Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида вужудга келган вазиятларни алоҳида қайт этиб ўтиш керак, чунки бу маъмурий ҳудудларда ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражаси тегишли бўлган ҳолат аниқ бир тенденцияга эга эканлиги билан характерланмайди;

➤ Таҳлил қилинаётган йиллар давомида иккинчи гуруҳга кирувчи айрим маъмурий ҳудудларда ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида қўшилган қиймат солиғининг даражасига тегишли бўлган кўрсаткич, айрим ҳолатларда, бир йил ошган бўлса, навбатдаги йилда унинг камайиши ва аксинча, вазиятларнинг вужудга келганлиги бу ерда унга тегишли бўлган талайгина муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу муносабат билан бу ерда ҳам вазифа худдишундаги тарзда кун тартибига қўйилмоғи лозим.

Ўзбекистонда эгри солиқларнинг ундириш амалдаги механизмини таҳлил қилиб, диссертация ишимизнинг ушубу параграфида хусусан уни “қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизми” амалга ошириётган эканмиз, бу ўзига хос бўлган механизмнинг амалиётда қандай ишлаётганлигини аниқлашда ёки унга баҳо беришда, қўшилган қиймат солиғи бўйича режа кўрсаткичларининг таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида қандай бажарилганлиги ҳам, маълум даражада, муҳим роль ўйнайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, қуйида ушбу масалага аниқлик киритишга ва у ердаги ҳақиқий вазиятни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Уни, маълум вақтнинг ўзида, республикамиз бўйича ва унинг алоҳида олинган вилоятлари кесимида кўриб чиқамиз. Бу масалага нисбатан Ўзбекистондаги вилоятларнинг алоҳида олинган маъмурий ҳудудларидаги ҳолат, жумладан, қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизмнинг амалиётда қандай фаолият кўрсатаётганлигидан (ишлаётганлигидан) дарак бериши, табиий. Бу мақсадга эришиш учун хизмат қилувчи маълумотлар қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий
худудларида қўшилган қиймат солиғи бўйича кўрсаткичларининг
бажарилиши

6-жадвал

Маъмурий худудлар	Йиллар					Ўрта часи
	2006	2007	2008	2009	2010	
Қорақалпоғистон республикаси	102,05	105,73	104,55	104,15	101,13	103,52
Андижон вилояти	93,65	100,93	87,66	109,50	103,10	98,96
Бухоро вилояти	100,09	102,65	101,68	102,12	101,42	101,59
Жиззах вилояти	101,40	116,85	110,00	101,23	101,54	106,20
Қашқадарё вилояти	98,06	102,95	101,11	108,10	103,34	102,71
Навоий вилояти	98,45	97,24	94,59	103,94	97,84	98,41
Наманган вилояти	100,53	104,73	103,50	98,88	97,21	100,97
Самарқанд вилояти	105,22	104,98	104,77	102,04	101,00	103,60
Сурхондарё вилояти	111,03	102,87	101,61	104,28	104,94	104,95
Сирдарё вилояти	100,19	95,89	102,99	104,32	102,51	101,18
Тошкент вилояти	100,22	93,61	101,56	100,23	103,63	99,85
Фарғона вилояти	99,01	102,68	101,26	102,95	101,93	101,57
Хоразм вилояти	106,92	98,09	106,76	103,13	100,05	102,99
Тошкент шаҳри	100,90	101,36	101,25	100,63	100,09	100,85
Ўзбекистон Республикаси	100,48	101,07	101,23	102,81	101,45	101,41

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2006-2010 йиллар давомида мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи бўйича режа кўрсаткичлари доимий равишда удалланган, уларнинг бажарилиши даражаси шу йиллар оралиғида ўртача 101,41%ни ташкил этган бўлсада, 100,48%дан (2006 йил) 102,81%гача 2009 йил тебранган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу давр ушбу солиқ бўйича режа кўрсаткичларининг ўртача бажарилиши Андижон (98,96%), Навоий (98,41%) ва Тошкент вилоятларида (99,85%) удалланмаган. Шу йиллар оралиғида мамлакатимизнинг маъмурий орасида қўшилган қиймат солиғи бўйича режаларнинг бажарилмаслиги 70 ҳолатнинг 13тасида содир этилган. Бир вақтнинг ўзида, шу йиллар оралиғида ушбу

кўрсаткичнинг даражаси Андижон вилоятида 2009 йилда 109,50%ни, Жиззах вилоятида 2008 ва 2010 йилларда, мос равишда, 116.85% ва 110,00%ни ва Сурхондарё вилоятида 2006 йилда 111,03%ни ташкил этган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи бўйича режа кўрсаткичлари бажарилишининг таҳлили ҳам бу солиқни ундириш механизмида баъзи бир камчиликларнинг бор эканлигини кўрсатаяпти. Албатта, ушбу солиқ бўйича режа кўрсаткичларининг бажарилишига турлитуман омиллар бевосита таъсир кўрсатса-да, лекин бизнинг назаримизда, ушбу солиқни бюджетга ундириш механизмида мавжуд бўлган бир нуқсонларнинг бу жараёнларда муҳим роль ўйнаётганлиги, табиий. Шунинг учун ҳам ана шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги умумий хулосани чиқаришга асослар етарли деб ўйлаймиз: қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундириш механизми ўзининг олдига қўйилган вазифаларни, умумий ҳолад, бажараётган бўлишига қарамасдан, бу механизмни ханузгача такомиллашган ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Ҳақиқий ҳолатнинг ана шундай эканлиги ушбу солиқни ундириш механизмининг янада такомиллаштиришнинг зарур эканлигини кун тартибига қўядики, унинг айрим жиҳатларига биз тадқиқот ишимизнинг кейинги қисмларида тўхталиб ўтамыз.

Олдимизда турган навбатдаги вазифа эгри солиқлар орасида ўзининг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи акциз солиғини ундиришнинг амалдаги механизмига тегишли бўлган ҳақиқий ҳолатни аниқлаш мақсадида тегишли таҳлил ишларини амалга оширишдан иборат. Бу вазифани бажаришга илмий ишимиз ушбу бобининг навбатдаги параграфи бағишланади.

2.2 Акциз солиғини қўлланиш амалиёти

“Акциз” сўзининг луғавий маъносига эътибор бердиган бўлсак, у француз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “қирқиб олиш” деган маънони билдиради.⁹ Бизнинг фикримизча, акциз солиғи хусусида проф. Н.Ҳайдаров тамонидан олиб орилган тадқиқот ишларининг натижалари анча эътиборга лойиқ. Бу натижалар ўзининг оддийлиги, соддалиги ва тушунарли эканлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бизга бу ерда проф. Н.Ҳайдаров тамонидан акциз солиғига тегишли бўлган қуйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. “Бозор иқтисодиёти шароитида акцизларни солиқ сифатида жорий этиш юқори рентабелли товарларга нисбатан қўлланилади. Ҳукумат акцизлар орқали акцизости товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг кам харажат ва ҳаракат қилиб қўлга киритган юқори иқтисодий самарасининг бир қисмини бюджет даромадига олади”;
2. “Акцизларни товарларга белгилашга таъсир этган омиллардан яна бири шундан иборатки, товар нархининг ошиши товарни истеъмол қилишни чеклашга кескин таъсир ўтказмайди. Жумладан, олтин буюмлар, спиртли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари”;
3. “Акцизларни қўп ҳолларда харажат солиғи ҳам деб аташади. Бунинг маъноси шуки, фуқоро қанчалик қўп акцизости товарларни истеъмоли ёки харид қилса, у шунчалик қўп акциз солиғини тўловчи ҳисобланади. Умуман барча эгри солиқлар қатори, акцизларни ҳам бюджетга бевосита акцизости тўловларни ишлаб чиқарувчи юридик шахслар тўласа-да, биров билвосита

⁹ Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Академия, 2007. 125- бет. Шунингдек бу тўғрисида янада батафсилроқ қаранг: Черник Д.Г., Павлова Л.П., Дадашев А.З., Князев В.Г., Морозов В.П., Налоги и налогообложение Учебник. 2-е изд., доп. и перераб.-М: ИНФРА- М, 2003.с160-175. Черник Д.Г., Починов А.П., Морозов В.П. Основы налоговой системы. М.: «Финансы», изд. Объед. «ЮНИТИ», 1998 с.219-220. Толкушкин А.В. Налоги и налогообложение. Энциклопедический словарь – М.: Юристъ, 2000. с 13-20. Абдурахмонов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой. – М.: Палеотип, 2005. с. 163, 262-267, 282-283, 299-302, 339-343, 368-369 Абдурахмонов О.К. Налоговые системы зарубежных стран. Промышленно развитые страны. Маликов Т.С. «солиқлар ва солиқа тортишининг долзарб масалалари» - Т.: Академия, 2002. 124-бет. Маликов Т.С. Ҳайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: Иқтисод – молия , 2007 33-бет. Вахобов А.В., Сирожиiddинова З.Х. Государственный бюджет – Т.: Иқтисод – молия , 2007 с. 193-195. Жураев. А. Давлат даромадларининг шакллантиришни самарали йуллари. – Т.: Фан, 2004. 109-127 бетлар ва бошқалар

тўловчилар, акцизоти товарлари истеъмолчилари ва харидорлари хисобланади.

Шунинг учун ҳам акцизоти товарларни таркибини белгилашда ёки уларга нисбатан ставкаларни қўллашда ўта эҳтиёткорлик ва оқилона молия сийёсати олиб борилиши керак”¹⁰

4. “Акцизларнинг бошқа турдаги солиқлардан асосий фарқи шундаки, у ўзига хос функцияларни бажаради. Жумладан:
- фискал (хазинани тўлдириш) функцияси;
 - тартибга солувчи (ички бозорни айрим хорижий товар ва махсулотлардан ҳимоя қилиш) функцияси;
 - ижтимоий ҳимоя (инсон соғлигига секин аста зарар келтирадиган айрим товар ва махсулотларни иқтисодий йўл билан чеклаш. Масалан, спиртли ичимлик ва тамаки махсулотлари) функцияси”¹¹.

Биз проф. Н.Ҳайдаровнинг акциз солиғларига нисбатан юқорида билдирилган фикрларни тўлиқ қўллаб – қувватласакда, шундай бўлишига қарамасдан, фикримизча, уларнинг 2- ва 4- пунктлари ўртасида бироз қарама-қаршилиқ мавжуд. Чунки 2 –ҳолатда акциз солиғларининг “...товарни истеъмол қилишни чеклашга кескин таъсир ўтказма...”ганлигини қайд этилган бўлса, унинг 4- ҳолатидаги фикрлари ўринлидир.

Шуни қайд этиш лозимки, акциз солиғи эгри (билвосита) солиқлар тизимида муносиб ўринга эга. Бу тизимда унинг ўзига муносиб ўрин тутиши, бизнинг фикримизча, худди ҚҚСдек, икки ёқламалик характерга эга. Унинг икки ёқламалик характери, энг аввало, бу солиқларнинг эгри (билвосита) солиқлар тизимидаги салмоғи билан белгиланади. Биз тамонимиздан амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистонда кейинги йилларда акциз солиғининг эгри (билвосита) солиқлар тизимидаги салмоғи 30-33% ни ташкил этяпти. Эгри (билвосита) солиқлар тизимида акциз солиғи ўрни икки ёқламалик характерининг иккинчиси бу солиқнинг Ўзбекистон

¹⁰ Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Академия, 2007. 126-127 бетлар.

¹¹ Қаранг: ўша манба, 128-бет

Республикаси давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда роли билан изоҳланади. Тадқиқотларимиз натижаларидан маълумки охириги йилларда акциз солиғи ҳисобидан мамлакатимиз давлат бюджети даромадларининг қарийб 1/5 қисми (18-20%) ташкил топаёпти¹².


Эгри (билвосита) солиқларнинг таркибий қисми сифатида акциз солиғини ундиришнинг амалдаги механизми янги таҳрирда қабул қилинган 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда кучга киритилган “Солиқ кодекси”нинг 8-бўлимида акс эттирилган 229-241 моддалари билан тартибга солинади¹³. Кодекснинг ана шу моддаларида акциз солиғини тўловчилар, солиқ солиш объекти, акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириладиган сана, солиқ солинадиган база ва унга тузатиш киритиш, акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш, акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқдан чегирма, солиқ даври, ҳисоб – китобни тақдим этиш тартиби, солиқни тўлаш тартиби ва акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш каби масалалар ўз акини топган.

Юқорида таъкидланганидек, диссертация ишимиз 1- бобининг 3 – параграфи доирасида эгри (билвосита) солиқларни ундириш механизми, унинг таркибий қисмлари ва элементларига батафсил тўхталиб ўтадиган бўлсакда, маълум маънода, бу механизмни янада конкретлаштирилган шаклда алоҳтда олинган ҳар бир эгри (билвосита) солиқларнинг, шу жумладан, акциз солиғини ундириш механизми сифатида ҳам тасаввур этишимиз мумкин **(2-чизма)**

Бу чизмадан кўришимиз мумкинки, ҚҚСни бюджетга ундиришнинг Ўзбекистонда амал қилаётган механизми мураккаб механизмга эга бўлиб, бу механизм шартли равишда, бир тамондан, бир – биридан нисбатан бўлсада, мустақил бўлган ва иккинчи тамондан, бир – бири

¹² Бу фикрнинг тўғри эканлигини иқтисодчи – олимларимизнинг тадқиқот натижалари ҳам тадиқлайди. Жумладан қаранг: Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Академия, 2007. 253-бет.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Республика Ахборот – маркази. – Т.: “Ёшлар матбуоти”, 2008. 177-183-бетлар.



2-чизма. Ўзбекистон Республикасида акциз солиғини бюджетга ундириш механизми

билан узвий равишда боғлиқ бўлган 5 таркибий қисмдан иборат. Ўз навбатида унинг ҳар бир таркибий қисмлари бир неча элементлардан ташкил топган. Жумладан, акциз солиғини бюджетга ундириш механизмининг “Солиқ тўловчилар. Солиқ олиш объекти” деб номланган таркибий қисми 3 элементни, “Солиқ солинадиган база”- 2, “Акциз тўланадиган товарлар экспорти” – 1, “Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари” – 1, “Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб – китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби” – 6 элементни ўз ичига олади. Ана шуларга асосланган ҳолда “Акциз солиғини бюджетга ундириш механизми” эгри (билвосита) солиқларни ундириш механизмининг нисбатан мустақил бўлган кўринишларидан бири сифатида 5 таркибий қисм ва 13 элементдан иборат дейишга асосларимиз мажуд.

Ана шундай мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган механизмнинг амал қилиши (ҳаракатланиши) натижаида Ўзбекистонда акциз олиғи бюджетга ундирилади. Ўз- ўзидан маълумки, ҳар қандай механизм қанчалик мураккаб тузилишга эга бўлса, унинг ҳаракат қилиши ёки таъсирчанлиги осонлик билан содир бўлмайди. Бу билдирилган фикр “Акциз солиғини бюджетга ундириш механизми” га ҳам тўлиқ тегишлидир. Шундай бўлишига қарамасдан, бу механизмнинг қандай ишлаётганлигини ва унинг ёрдамида нималарга эришилаётганлигини биз [қуйидаги еттинчи жадвал](#)да келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида билиб олитшимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси бўйича кейинги 5 йил даомида солиқларнинг умумий тушуми ва уларнинг таркибида акциз солиғига тегишли бўлган маълумотлар келтирилган. Уларнинг кўрсатишича, шу йиллар оралиғида “Акциз солиғини бюджетга ундириш механизми”нинг амалда ҳаракат этиши натижаида мамлакатимиз бўйича ундирилган солиқ тушумларининг 14,4%дан (2007йил) 19,4%гачаси (2003) ундирилган. Бу республикмиз бўйича ундирилган солиқ тушумларининг 1/7 ёки 1/5 қисми, демакдир. Ана шу рақамларнинг ўзлари ҳам, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқ тушумларини ундиришда

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида
солиқ тушумларининг умумий таркибида акциз солиғи¹⁴

№	Кўрасаткичлар	Й и л л а р									
		2006		2007		2008		2009		2010	
		Млрд. сўмда	% да	Млрд. сўмда	% да	Млрд. сўмда	% да	Млрд. сўмда	% да	Млрд. сўмда	% да
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Ўзбекистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг умумий суммаси	1568,8	100,0	1871,9	100,0	2564,1	100,0	3220,9	100,0	4376,0	100,0
2	Акциз солиғи суммаси	303,7	19,4	338,8	18,1	390,8	15,2	480,9	14,9	631,6	14,4
3	Акциз солиғи суммаси (салмоғи) нинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши	-	-	+35,1	-1,3	+52,0	-2,9	+90,1	-0,3	+150,7	-0,5

¹⁴ Жадвал диссертант тамонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг 2006-2010 йиллардаги ҳисобот маълумотлари тамонидан тузилган

“Акциз солиғини бюджетга ундириш механизми” нинг роли ёки аҳамиятини қандай эканлигини кўрсатяпти.

Юқоридагилар билан биргаликда бу механизмнинг ҳаракат этиш ҳолатига нисбатан 2003-2007 оралиғида қуйидагилар хос эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз:

- “Акциз солиғини бюджетга ундириш механизми”нинг ҳаракат этиши натижасида ундирилган акциз солиғининг солиқлар умумий тушумига нисбатан салмоғи хусусида таҳлил остига олинган йиллар давомида аниқ бир тенденция шаклланган. Бунга тегишли бўлган ҳолат 2006-2010 йиллар оралиғида узлуксиз пасайиб боришининг хослиги билан характерланади(2010йилда 2006йилга нисбатан 5.0 фоизли пунктга);
- шу давр оралиғида тегишли механизмнинг ҳаракатига мувофиқ равишда ундирилган акциз солиғининг абсолют суммаси 2010 йилда 2006йилга нисбатан 2 баробардан кўпроқ мартага ортган. Албатта, маълум маънода, бу рақамларни тўғридан – тўғри таққослаш ўзининг маъносига эга бўлмаса-да(чунки бу рақамлар қиёсий эмас, балки жорий баҳоларда келтирилган), бироқ нисбатан қисқа бўлган 5 йил ичида бу кўрсаткичларнинг 2 мартадан кўпроққа ортганлигини изоҳлаб бериш анча мураккаб иш ҳисобланади. 2006-2010йиллар оралиғида акциз солиғининг ставкасида кескин ўзгаришларнинг амалга оширилмаганлиги эътиборга олинган бўлса, муаммо янада мураккаблашади. Шунингдек, бундай ўсиш суръатларини 2006-2010йиллар оралиғида инфляциянинг ўсиши ёки солиққа тортиш базасининг бир неча мартага ортиши билан ҳам етарли даражада изоҳлаб бўлмайди, бизнингча;
- шу ораликда акциз солиғи абсолют суммаларининг ўсиш суръатлари (207,9%) умумий солиқ тушумлари абсолют суммаларининг ўсиш суръатлари(278,9%) билан таққосланганда

уларнинг умумий солиқ тушумларининг ўсишига нисбатан ҳам анча паст суръатларда бўлганлиги маълум бўляпти.

Шундай қилиб, акциз солиғини бюджетга ундириш механизмига доир юқоридаги ҳолатлар вужудга келганлигининг бир неча объектив ва субъектив сабабларига бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, уларнинг содир бўлганлиги, жумладан, шу механизмдаги айрим ҳал этилмаган муаммоларнинг бор эканлиги билан ҳам изоҳланади. Шунинг учун бундай шароитда ана шу муаммоларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш йўллари қидириб топиш алоҳида аҳами ят касб этади. Бироқ, бизнинг фикримизча бу муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси миқёсида келтирилган умумий маълумотларнинг таҳлил қилиниши етарли эмас. Шунинг учун ҳам ушбу масалани республикаимизнинг маъмурий ҳудудлари кесимида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Буни ҳисобга олган ҳолда диссертацион тадқиқотда масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор берилди ва таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар саккизинчи жадвалда келтирилган.

Хусусан, саккизинчи жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2006-2010 йилларда мамлакатимизда ундирилган солиқларнинг умумий суммасига нисбатан акциз солиғининг даражаси 14,43% дан (2010йил) 19,36%гача (2006йил) тебранган бўлса-да, бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси шу йиллар оралиғида 16,41%га тенг бўлган. Ана шу кўрсаткичларнинг ўртача даражасига қараб туриб, республикаимиздаги маъмурий ҳудудларони шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

- ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида акциз солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудлар;
- ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида акциз солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган маъмурий ҳудудлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи республикамизнинг маъмурий ҳудудлари ва уларга тегишли бўлган маълумотлар қуйидагижадвалда келтирилган:

8-жадвал

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудлари бўйича солиқ тушумларининг умумий таркибида акциз солиғи¹⁵
(% да)

Маъмурий ҳудудлар	Й и л л а р					Ўртачаси
	2006	2007	2008	2009	2010	
Қорақолпоғистон Респ.	13,93	12,34	12,42	14,28	11,30	12,85
Андижон вилояти	17,07	14,55	11,43	9,93	9,52	12,50
Жиззах вилояти	7,03	5,53	2,91	2,50	0,58	3,71
Қашқадарё вилояти	11,09	6,61	6,22	5,26	3,33	6,50
Навоий вилояти	0,93	0,75	0,42	0,33	0,15	0,52
Наманган вилояти	13,46	10,24	9,75	9,67	9,24	10,47
Самарқанд вилояти	15,59	11,88	10,65	9,40	6,41	10,78
Сурхондарё вилояти	23,58	18,06	12,64	10,20	9,74	14,84
Сирдарё вилояти	13,90	9,15	7,86	7,35	10,26	9,70
Тошкент вилояти	14,89	10,70	9,09	8,74	9,12	10,51
Хоразм вилояти	14,85	13,09	14,73	11,06	11,06	12,95
Тошкент шаҳар	8,05	7,14	5,68	5,74	5,19	6,36
Ўзбекистон Республикаси	19,36	18,10	15,24	14,93	14,43	16,41

¹⁵ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида диссертант тамонидан тузилган.

2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ундирилган
 умумий солиқларнинг ҳажмида акциз солиғининг даражаси
 республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудлар¹⁶
 (%да)

Маъмурий ҳудудлар	Й и л л а р					Ўртачаси
	2006	2007	2008	2009	2010	
Қорақолпоғистон Респ.	13,93	12,34	12,42	14,28	11,30	12,85
Андижон вилояти	17,07	14,55	11,43	9,93	9,52	12,50
Бухоро вилояти	29,55	26,24	25,27	25,57	25,24	26,37
Жиззах вилояти	7,03	5,53	2,91	2,50	0,58	3,71
Қашқадарё вилояти	11,09	6,61	6,22	5,26	3,33	6,50
Навоий вилояти	0,93	0,75	0,42	0,33	0,15	0,52
Наманган вилояти	13,46	10,24	9,75	9,67	9,24	10,47
Самарқанд вилояти	15,59	11,88	10,65	9,40	6,41	10,78
Сурхондарё вилояти	23,58	18,06	12,64	10,20	9,74	14,84
Сирдарё вилояти	13,90	9,15	7,86	7,35	10,26	9,70
Тошкент вилояти	14,89	10,70	9,09	8,74	9,12	10,51
Фарғона вилояти	32,37	34,19	30,80	26,72	24,99	29,81
Хоразм вилояти	14,85	13,09	14,73	11,06	11,06	12,95
Тошкент шаҳар	8,05	7,14	5,68	5,74	5,19	6,36
Ўзбекистон Республикаси	19,36	18,10	15,24	14,93	14,43	16,41

¹⁶ Жадвал 2.2.2 – жадвал маълумотлари асосида тузилган.

9-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида акциз солиғини бюджетга ундиришнинг амалдаги механизмига баҳо бериш нуқтаи – назаридан бир неча хулосаларга келиш мумкин. Бизнинг назаримизда, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- республикадаги мавжуд 14 та маъмурий ҳудудларнинг 12тасида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаси шу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан бирмунча паст. Улар орасидаги тебраниш 0,52%дан (Навоий вилояти) 14,84%гачани (Сурхондарё вилоятида) ташкил этади;
- келтирилган 12та маъмурий ҳудудларнинг фақат 6 таси (Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги) тенденциялар ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражасига тегишли бўлган республикадаги умумий тенденцияга (2006-2010 йиллар оралиғида пасайиш) мос келади. Қолган маъмурий ҳудудлардаги вазият республикадаги умумий вазиятдан, биров бўлсада фарқ қилади. Хусусан таъкидланган кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 2006 – 2010 йиллар оралиғида пасайиш, 2007-2009 йилларда ортиш хос бўлганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек бу кўрсаткичнинг шу йиллар давомида барқарор эмаслиги Тошкент шаҳрига ҳам тегишли;
- шу нарсани алоҳида файд этиш керакки, республикадаги умумий тенденцияга(2006-2010 йилларда – узлуксиз пасайиш) мос келувчи маъмурий ҳудудларнинг айримлари учун бу жараён ўзининг кескинлиги билан ажралиб туради. Хусусан ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаси таҳлил қилинаётган йиллар давомида Андижон вилоятида 2006 йилдаги 17,07%дан 2007 йилда 9,52%га тушиб қолган, яъни 7,55фоизли пунктга ёки 44,23%га пасайган. Шу давр оралиғида мос равишда, 58,88% ва 58,70%га камайгани билан характерланади;

- таҳлил остига олинган йиллар давомида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаси шу кўрсаткичнинг республикада ўртача даражасида бирмунча паст бўлган умумий ҳолат уларнинг тенг ярмида сақланган бўлсада, уларнинг айримлари учун бу кўрсаткичнинг кескин равишда пасайганлиги, айрим маъмурий ҳудудларда ва айрим йилларда эса тескари ҳолатнинг вужудга келганлиги шу жойларда тегишли резервларнинг мавжуд эканлигидан дарак беради. Шу муносабат билан бу ҳолатда вазифа, бизнинг фикримизча, акциз солиғини бюджетга ундириш механизмида мавжуд резервларни қидириб топиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан бевосита боғланган бўлиши керак.

Ўзимиз тамонимиздан эътироф этилган таҳлилни амалга ошириш кетма – кетлигига риоя этган ҳолда энди ундирилган умумий солиқларнинг ҳажмида акциз солиғининг даражаси республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган ва шартли равишда иккинчи гуруҳга киритилган маъмурий ҳудудларга тегишли бўлган маълумотлар билан танишайлик. Бу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

10-жадвал

**2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ундирилган
умумий солиқларнинг ҳажмида акциз солиғининг даражаси
республикадаги ўртача даражадан юқори бўлган маъмурий ҳудудлар
(%да)**

Маъмурий ҳудудлар	Й и л л а р					Ўртачаси
	2006	2007	2008	2009	2010	
Бухоро вилояти	29,55	26,24	25,27	25,57	25,24	26,37
Фарғона вилояти	32,37	34,19	30,80	26,72	24,99	29,81
Ўзбекистон Республикаси	19,36	18,10	15,24	14,93	14,43	16,41

Худди юқоридаги тарзда бу ерда ҳам -----жадвал маълумотларни таҳлил қилиш натижаси акциз олиғини бюджетга ундиришнинг амалдаги механизмига баҳо бериш нуқтаи – назаридан бир неча хулосаларга келиш мумкин. Уларнинг орасида энг муҳимлари сифатида, бизнинг фикримизча, куйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- таҳлил остига олинган йиллар оралиғида республикамиздаги мавжуд 14 та маъмурий ҳудудларнинг фақат 2 тасида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаси шу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан анча юқори бўлган. Улар орасидаги тебраниш 26,37%дан (Бухоро вилояти) 29,81%гачани (Фарғона вилояти) ташкил этади;

- гарчи республикамиздаги ўртача даражадан анча юқори бўлишига қарамасдан, келтирилган 2та маъмурий ҳудуднинг фақат 1 тасида яъни Фарғона вилоятида 2006-2010 йиллар давомидаги тенденцияга мос келади;

- республикамизнинг Фарғона ва Бухоро вилоятларида ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаси ўзининг юқори салмоққа эга эканлиги билан ажралиб туради. Шу йиллар давомида Бухоро вилоятида ундирилган солиқларнинг ўртача $\frac{1}{4}$ қисмидан кўпроғи акциз солиғининг хиссасига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткичнинг даражаси Фарғона вилоятида қарийб 1 / 3 га тенглиги билан характерланади;

- бу гуруҳга кирувчи вилоятлар орасида Бухоро вилоятида вужудга келган вазиятларни алоҳида қайд этиб ўтиш керак, чунки маъмурий ҳудудда ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражаига тегишли бўлган ҳолат аниқ бир тенденцияга эга эмас;

- таҳлил қилинаётган йиллар давомида иккинчи гуруҳга кирувчи айрим маъмурий ҳудудларда (хусусан, Бухоро вилоятида) ундирилган солиқларнинг умумий ҳажмида акциз солиғининг даражасига тегишли

бўлган кўрсаткич, айрим ҳолатларда, бир йил ошган бўлса, навбатда йилда унинг камайиши ва аксинча, вазиятларнинг вужудга келганлигибу ерда унга тегишли бўлган талайгина муаммоларнинг мавжудлигини кўратади. Шу муносабат билан бу ерда ҳам вазифа худди юқоридаги тарзда кун тартибига қўйилмоғи лозим.

Юқорида қайд этилгани сингари, Ўзбекистонда эгри (билвосита) солиқларни ундириш амалдаги механизмини таҳлил қилиб, диссертация ишимизнинг ушбу параграфида хусусан уни “акциз солиғини бюджетга ундириш механизми” орқали амалга ошираётган эканмиз, бу ўзига хос унга баҳо беришда, бизнингча, акциз солиғи бўйича режа кўрсаткичларнинг даражада, муҳим роль ўйнайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, қуйида ушбу масалага аниқлик киритишга ва у ердаги ҳақиқий вазиятни аниқлашга алоҳида олинган вилоятлари кесимида ҳам кўриб чиқамиз. Бу масалага нисбатан Ўзбекистондаги ва унинг алоҳида олинган маъмурий ҳудудларги ҳолат жумладан, “акциз солиғини бюджетга ундириш механизми”нинг амалиётда қандай фаолият кўрсатаётганлигидан дарак бериши, табиий. Бу мақсадга эришиш учун хизмат қилувчи маълумотлар ўн биринчи жадвалда келтирилган(навбатдаги бетга қаранг).

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2006-2010 йиллар давомида мамлакатимизда акциз олиғи бўйича режа кўрсаткичлари доимий равишда уддаланган, уларнинг бажарилиш даражаси шу йиллар оралиғида ўртача 102,79%ни ташкил этган бўлсада, 101,25%дан 105,16%гача тебранган. Бир вақтнинг ўзида, бу даврда ушбу солиқ бўйича режа кўрсаткичларининг ўртача бажарилмаслик ҳолати мамлакатимизнинг бирон – бир маъмурий ҳудудида кузатилмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, шу йиллар оралиғида акциз солиғи бўйича режаларнинг бажарилмаслиги 70 ҳолатининг 7 тасида (10,0%ида) содир этилган. Шу ўринда акциз солиғи бўйича режа кўрсаткичларнинг бажарилиши ва ортиб бажарилишига доир мамлакатимиз ва унинг

алоҳида олинган маъмурий ҳудудларига тегишли бўлган қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак:

2001- 2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий
ҳудудларида акциз солиғи бўйича режа кўрсаткичларининг
бажарилиши

(%да)

11- жадвал

Маъмурий ҳудудлар	Й и л л а р					Ўртачаси
	2003	2004	2005	2006	2007	
Қорақолпоғистон Респ.	97,49	122,89	128,1	223,99	112,57	115,05
Андижон вилояти	116,68	110,09	116,55	110,65	118,25	114,44
Бухоро вилояти	100,62	101,53	101,47	104,33	104,70	102,53
Жиззах вилояти	107,27	92,08	114,91	96,05	127,12	107,49
Қашқадарё вилояти	107,74	111,68	106,49	130,49	105,30	112,34
Навоий вилояти	121,31	135,55	167,52	130,22	111,32	130,37
Наманган вилояти	107,22	107,74	128,64	122,16	108,91	114,54
Самарқанд вилояти	103,62	105,43	107,10	122,16	106,94	109,05
Сурхондарё вилояти	105,79	101,07	95,44	114,07	115,98	106,47
Сирдарё вилояти	108,38	101,56	129,53	114,40	102,99	111,37
Тошкент вилояти	99,76	106,01	101,83	111,77	113,19	106,51
Фарғона вилояти	102,82	100,80	105,09	102,23	100,88	102,36
Хоразм вилояти	98,68	113,11	111,28	111,77	114,90	109,95
Тошкент шаҳар	101,37	103,06	92,71	104,50	104,60	101,25
Ўзбекистон Республикаси	101,25	103,42	102,77	105,16	101,35	102,79

- республикамиздаgni 14 та маъмурий хуудларнинг 6 тасида (42,85%ида, Қорақолпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, ва Сирдарё вилоятларида) ушбу солиқ бўйича режа кўрсаткичларнинг ортиғи билан бажарилиши 110,0%дан юқори бўлган;
- Қорақолпоғистон Республикасида бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси 115,05%ни ташкил этган ҳолда, унинг айрим йилларда ортиғи билан бажарилиши 128,31% (2008 йилда) ташкил қилган;
- Ана шунга ўхшаш кўрсаткичнинг даражаси мос равишда, Андижон вилоятида – 114,44% ва 118,25%; Қашқадарё вилоятида – 112,34% ва 130,49%; Навоий вилоятида – 130,37 ва 167,52%; Наманган вилоятида – 114,54% ва Сирдарё вилоятида – 111,37% ва 129,53%га тенг бўлган;
- 2006-2010 йиллар давомида 70 ҳолматнинг 34 тасида (48,57%ида) режалар 110,0%дан, 12 тасида (17,14%ида) 120,0%идан ва 4 тасида (5,71%ида) 130,%дан ортиқ қилиб уддаланган ва ҳ.к.

Шундай қилиб, мамлакатимизда акциз солиғи бўйича режа кўрсаткичлари бажарилишининг таҳлили ҳам бу солиқни ундириш механизми ҳам баъзи – бир камчиликларни борлигини кўрсатапти.

2.3. Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи

Ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин. Юридик шахс қонун ҳужжатлари шунингдек устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради. Юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назар тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин. Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса - тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига

муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса - давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун юридик шахсларнинг очиқ ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз

зиммасига олиши мумкин. Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса - бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак. Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгиладиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суръатда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадilar. Айрим тармоқлар юридик шахсларининг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.

Жами даромад билан солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда) солиқ солиш объектидир.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни (бажарган ишларни, кўрсатган хизматларни) эркин конвертация қилинадиган валютада экспорт қилувчи корхоналар экспортни ички бозор нархларидан паст нархларда амалга оширсалар, улар учун солиқ солинадиган база экспорт маҳсулоти реализация қилинган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Ушбу тартиб савдо-воситачилик ташкилотларига, шунингдек тасдиқланган рўйхатга мувофиқ хом-ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан татбиқ этилмайди.

Устав фондига қўшилган, умумий вазифаларни ҳал этиш учун бирлаштирилган бадаллар, пайлар ва аниқ мақсадга қаратилган бошқа молиявий маблағлар (капитал) ана шу вазифаларни ҳал этиш учун махсус тузилган юридик шахснинг даромадлари ҳисобланмайди ва солиқ солиш объекти бўлмайди.

Жами даромадга жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан келадиган тушум;
- 2) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қогозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни реализация қилишдан келадиган даромад;

- 3) фоизлар кўринишидаги даромадлар;
- 4) дивидендлар;
- 5) бошқа шахслардан бепул олинган мол-мулк;

Олинган грантлар даромад сифатида қаралмайди. Грант деганда корхонага давлат (хукумат), шунингдек нохукумат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ижтимоий аҳамиятдаги мақсадларда, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, илмий-техник ва инновация дастурларини бажариш учун бепул, гуманитар пул кўринишидаги ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағларидан қатъиян мақсадга мувофиқ фойдаланилади.

- 6) мол-мулкни ижарага (лизингга) беришдан келадиган даромад;
- 7) роялти;
- 8) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан берилган субсидиялар бундан мустасно);
- 9) даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- 10) илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ёки шубхали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;
- 11) валюта ҳисобварақларидаги курс бўйича мусбат фарқ;
- 12) фавқулодда даромадлар;
- 13) бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган даромадларни (фойдаларни) белгилашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар амалга оширилади:

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона божлари суммалари;

– банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг кредитлари учун фоиз тўловлари суммалари, бундан банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестиция учун олган кредитлари бўйича фоизлар

ҳамда тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар мустасно;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз тўловлари суммалари;

- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банкларнинг, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонларнинг, видеокурсов, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг харажатлари бундан мустасно);

- белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;

- ижара ҳақи;

- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

- чет юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;

- мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақиға ҳисобланган суммалар;

- маҳсулотни (хизматларни) сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари;

- солиқ тўловчи фаолияти ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

- солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари,

болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларининг суммалари;

- лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;

- лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади;

- конун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммалари;

- конун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Шунингдек қуйидаги харажатлар ва ажратмалар ҳам жами даромаддан чегириб ташланиши лозим:

1) банклар бўйича:

- кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

- миждозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

- таваккалчилик операциялари бўйича захира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

2) суғурта ташкилотлари бўйича:

- қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

- амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

- суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

– ўтган йиллардаги суғурта ходисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

– суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

– суғурта ташкилоти суғурта ходисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

– суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар.

Жами даромаддан чегириб ташланадиган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегирилиши мумкин.

Асосий воситалар сотиб олиш ва уларни монтаж қилишга, номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатлар, шунингдек бошқа капитал харажатлар амортизация тариқасида кейинги даврларда жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

Солиқ тўловчи (банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) даъво муддати ўтганидан сўнг даромадлари товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) реализация қилиниши билан боғлиқ бўлган, илгари жами даромадга қўшилган умидсиз қарзлар бўйича чегирма қилиниш ҳуқуқига эга бўлади.

Молиявий жазо чоралари ва ҳисобланган пеня суммалари жами даромаддан чегириб ташланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятида уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситалар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланади. Қимматли қозғалар реализация қилинганида вужудга келган зарарлар жами даромаддан чегириб ташланмайди. Иш хайвонлари ва кўп йиллик дарахтлардан фойдаланганда вужудга келган зарарлар фақат ана шу активлардан фойдаланишдан олинган даромаддан чегириб ташланади.

Асосий воситалар амортизация қилинади, ер бундан мустасно. Асосий воситаларнинг солиқ солинадиган давр мобайнида белгиланган нормалар доирасида ҳисобланган амортизация ажратмалари суммалари жами даромаддан чегириб ташланади.

Амортизация ажратмаларининг суммалари асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва солиқ қонунчилигида белгиланган амортизация нормалари (12-жадвал) асосида ҳисоблаб чиқилади. Амортизация муддати тугаганидан сўнг эскириш ҳисобланмайди.

12-жадвал

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ АМОРТИЗАЦИЯ НОРМАЛАРИ

	Асосий воситалар гуруҳлари	Амортизация нормаси, %
1.	Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20
2.	Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебель	15

3.	Темир йўл, денгиз, дарё ва хаво транспорти воситалари. Кучқувват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель-генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар	8
4.	Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5
5.	Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10

Асосий воситаларни узоқ муддатга ижарага олган юридик шахслар ҳам ўзларига қарашли, ҳам ижарага олинган асосий воситалар юзасидан амортизация ажратмаларини ҳисоблайдилар. Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага берилган асосий воситалар учун амортизация ажратмаларини ҳисобламайди.

Номоддий активларга қилинган харажатлар жами даромаддан эскириш тарзида ҳар ойда, юридик шахс томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан унумли фойдаланиш муддати (бирок юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддат) асосида ҳисоблаб чиқарилган нормалар бўйича чегириб ташланади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга (бирок юридик шахснинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга) мўлжаллаб белгиланади.

Солиқ тўловчининг геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олишга тайёргарлик ишлари учун қилган харажатлари жами даромаддан амортизация сифатида, амортизация ажратмалари нормаси бўйича - ўн беш фоиз миқдорида чегириб ташланади. Солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли бўлмаган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари бўйича чегирмалар қилинмайди.

Агар маданий, спорт ва бошқа тадбирлар учун харажатлар солиқ тўловчининг асосий фаолияти доирасида ўтказиладиган бўлса, солиқ қонунчилиги қоидалари унга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 27-моддасига биноан ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар яъни, давлатга қарашли бўлмаган пенсия фондларига ажратмалар жами даромаддан чегириб ташланмайди. Солиқ қонунчилигида назарда тутилган, чегириб ташланиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи қўрилган зарарларни зарар қўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил муддат давомида тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган ҳисобот йилида ёки ўтган ҳисобот йилларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарарга (зарарларга) эга бўлган даромад (фойда) солиғи тўловчилар жорий йилдаги солиқ солинадиган даромадни (фойдани) қўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказиладиган зарарнинг ҳар бир навбатдаги йилда ҳисобга олинadиган жами суммаси солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий йилдаги солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) 50 %идан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база ўрни қопланиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин. Бирдан ортиқ календарь йилда қўрилган зарарлар улар қўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади. Солиқ тўловчининг даромад (фойда) солиғидан озод қилинган даврдаги зарарлари кейинги даврларга тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Фойда солиғининг барча тўловчилари учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириладиган харажатлар рўйхати ҳақиқатда амалга

оширилган харажатлар чегарасида кенгайтирилди, хусусан, унга қуйидагилар киритилди:

- реклама харажатлари;
- телекоммуникациялар хизматлари учун тўлов;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар;
- солиқ тўловчининг балансида турган соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, болалар дам олиш оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй - жой фонди объектларининг таъминоти бўйича харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-532–сон қарорига мувофиқ 2007 йилда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-744–сон қарорига мувофиқ 2008 йилда юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкалари қуйидаги жадвалдаги миқдорларда белгиланган

13-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкалари

№	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да солиқ ставкалари	
		2010 йил	2011 йил
1.	Юридик шахслар (2-5-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	10	9

2.	Тижорат банклари	17	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:		
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилад и	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилад и	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўллаб ҳақ тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилад и	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 390-сон қарорига мувофиқ қуйидагиларни ишлаб чиқарувчи корхоналар:

–истеъмол товарлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромаддан тасдиқланган рўйхатга кўра, белгиланганидан 20 фоиз камайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайди;

–болалар товарлари, уларни ишлаб чиқаришдан олинган даромаддан 7 фоиз ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайди.

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-532–сон қарорига мувофиқ 2007 йилда юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидендлар ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 10 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

Акциялар бўйича ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав сармоясидаги улушбай қатнашувдан олинадиган даромадлар солиқ солиш мақсадлари учун дивидендлар ҳисобланади. Депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар фоизлар жумласига киритилади.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини молиявий бозорларга жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадлар солиқ солишдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивиденд ва фоизлар олган юридик шахс – резидент уларни жами даромаддан чегириш ҳуқуқига эгадир. Банклар ва бошқа резидент молия - кредит ташкилотларига тўланадиган фоизларга тўлов манбаида солиқ солинмайди, балки банк ва бошқа резидент молия-кредит ташкилотида белгиланган тартибда солиқ солинади.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаидан олинган, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадига (фойдасига) манбада чегирмаларсиз қуйидаги жадвалдаги ставкалар бўйича солиқ солинади (14-жадвал):

14-жадвал

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадларидан тўлов манбаида ундириладиган даромад (фойда) солиғи ставкалари

№ т/р	Норезидентларнинг даромад турлари	Солиқ ставкалари, %
1.	Дивидендлар ва фоизлар	10
2.	Таваккалчиликларни суғурта қилишга ёки қайта суғурта қилишга тўланган суғурта мукофотлари	10
3.	Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар)	6
4.	Роялти, ижарадан (лизингдан) олинган даромадлар, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан бошқарув, маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар, даромад солиғи солинган даромадлар (фойда) бунга кирмайди	20

Қуйидаги юридик шахслар даромад (фойда) солиғидан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар-асосий фаолият тури бўйича;

2) ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар уюшмаси мулки бўлганлари, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно;

3) даволаш муассасалари хузуридаги даволаш - ишлаб чиқариш устахоналари;

4) жазони ижро этиш муассасалари;

5) тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари;

6) шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича;

7) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган даромадлар (фойдалар) бўйича;

8) Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида;

9) янги ташкил этилаётган корхоналар, шу жумладан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади, иккинчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида ва учинчи йили эллик фоизи миқдорида

солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Янги ташкил этилаётган бошқа корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврнинг бир йили ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

10) ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари;

11) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар;

12) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта пули) тариқасида олинган маблағлар суммаси бўйича;

13) дивидендлар кўринишида олинган ва юридик шахсдан олиниб, унинг устав капиталига (фондига) йўналтирилган даромадлар бўйича;

14) Халқ банки - фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлар бўйича.

Янги ташкил этилган корхоналарга берилган имтиёзлар аввалдан амал қилиб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизида тузилган юридик шахсларга (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида тузилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар корхонадан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланмайди.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, саломатлик ва хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

2) инвестицияларга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни ўзишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизациядан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3) диний ва жамоат бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия фондларининг мулкида бўлган корхоналар даромадидан (фойдасидан) шу бирлашмалар ва фондларнинг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

III-БОБ. МАМАЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МОЛИЯ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Молиявий дастакларини такомиллаштириш

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажақдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда миждозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида тақозо этилмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарорМарказий банк томонидан амалга оширилган катъий пул-кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Ҳукумат томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши комплекс чора-табдирлар дастури республика банк-кредит тизимида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз таъкидлагандек, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.¹⁷

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Мамлакатимизда 2009 йилда «Asia Alliance Bank» хусусий очик акциядорлик тижорат банкининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 9 январдаги қарорига мувофиқ «Hi-Tech Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш бўйича лицензия берилиши натижасида жами тижорат банклари сони 30 тага етди. «Hi-Tech Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 5,25 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилиб, унинг 51 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига тўғри келади. Ушбу янги банкнинг очилиши мамлакатимиз Президентининг «Хусусий акциядорлик тижорат

¹⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Тошкент. Ўзбекистон 2010 йил 15 бет.

банклари тузишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари изчил амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Эмиссия – муомалага пул ёки қиматли қоғозларни чиқариш.

Пул эмиссияси – амалдаги пул массасининг ортишига олиб келувчи пулларни муомалага чиқариш.

Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда. Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлиқ фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта

барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги 147-сонли қарори талабларини ижро этиш борасида банк тизими томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2010 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларнинг умумий сони 60631 тани, пластик карточкалар умумий сони 6058,9 мингтани, шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 3546,7 мингтани ташкил қилди.

Корпоратив карточкалар сони 11,3 мингтани ташкил қилди. Пластик карточкалар ҳисобварақларига 3846 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажмини йилдан-йилга юқори суръатларда ошириб бориш кўзда тутилган.

Шунга кўра амалдаги барча тегишли меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан, Марказий банкнинг нақд пул муомаласига тааллуқли бўлган йўриқномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Нақд пул муомаласида мавжуд бўлган барча чекловлар бекор қилиниши эса нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бирхиллаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нақд пул муомаласи янада мустаҳкамланиб, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга замин яратди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг узлуксиз бериб борилиши тўлиқ таъминланиб борилди. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Шулардан бири бу пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган процессинг марказлари ва банкоматларни келтириш ҳамда уларни ўрнатиш борасида божхона тўловларидан 2020 йилга қадар озод қилиш чора-тадбирлари белгилангандир.

Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан кенг фойдаланган ҳолда пул таклифи ўсишининг асосий манбаи бўлган олтин-

валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган пул массаси ҳажмини бошқариш чораларини кўриб борди.

Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда пул агрегатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди.

Монетар сиёсат борасида амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди, инфляция даражаси эса прогноз кўрсаткичдан ошмади ва 7,4 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига ва пировард натижада жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро банклар тажрибасини ўрганган ҳолда «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилиб борилди. Банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 декабридан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига ўтказмалари бўйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз қилиб белгиланди.

Банк ликвидлиги – банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пасивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.

Шунингдек, мажбурий захираларга депонентланадиган маблағларни ҳисоблаш методологияси ҳам такомиллаштирилиб борилди.

2009 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди.

Пул массаси – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар (корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиан нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Нархлар ўзгаришининг амалдаги ва кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз даражасида ушлаб турилганлиги банклараро бозордаги фоиз ставкаларнинг барқарор бўлишини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмади. Бу ҳолат республика банклар тизими барқарорлигидан далолат беради.

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермокда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироzi давом этаётганига қарамай банкларимиз томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 трлн. сўмдан ошиб кетди. Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.

Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иктисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ортишига олиб келди. Биргина корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушии ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди

(1-расм).



1-расм.

Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитлари улушининг ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг қамровли инвестиция сиёсатини олиб боришда банклар аҳамиятининг ортиши натижаси ўлароқ, уларнинг йирик инвестиция муассасаларига айланишига олиб келади. Банклар активлари таркибида спекулятив тавсифдаги кредитларнинг камайиши ҳамда молиявий ресурсларнинг реал иқтисодиётга қўйилма сифатида киритилиши республикаимизнинг истиқболдаги ривожланишида банкларнинг ҳиссасини янада оширади. Ўз навбатида банклар капиталлашув даражасининг ошиши давлат қўйилмалари манзиллигининг ортишини таъминлайди. Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узок муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш

ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда (1-жадвал).

**15-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион
дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари**

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	<i>Марказлаштирилган инвестициялар</i>	3819,8	20,9
2.	<i>Номарказлаштирилган инвестициялар</i>	14400,5	79,1
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар в кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Шундан,

«Қишлоққурилишбанк» АТБнинг имтиёзли кредитлари 256,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига сарфланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаklar) берилган. Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.

Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истикболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжат орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот

корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реконструкция қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлик ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солган ҳолда, 2009 йилда белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк тасарруфида бўлган барча бозор дастакларини қўллаш кўламини кенгайтирди.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш дастаги сифатида 2009 йил давомида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилди. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган Давлат ўрта муддатли облигациялари ва Марказий банкнинг облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операциялари амалга оширилиб борилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Марказий банк бошқаруви асосида банк тизимида бир қанча амалий ишлар олиб борилди.

Банклар капиталлашув даражаси ва ликвидлигининг ошиши пировардида улар молиявий барқарорлигининг таъминланишига, шунингдек, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилувчи барқарор ресурс базасининг шаклланишига замин яратади.

Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Халқ банки, Агро банк, Асака банки ва Қишлоқ қурилиш банки устав капиталларига давлат маблағлари йўналтирилди. Натижада 2009 йилнинг ўзида тижорат банкларининг низом капитали 43 фоизга ошди ва бу ўз навбатида банк капиталларини халқаро тартибга солишининг Базель-2 стандартлари бўйича белгиланган меъёрдан банкларимизнинг капиталларини етарлилик даражаси 3 мартадан кўпроқни ташкил қилди. Сўнгги икки йилда тижорат

банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Инвестициялашнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу борада, 2009 йил давомида тижорат банклари томонидан жами 489,2 млрд. сўмлик 13 та қўшимча акциялар эмиссияси амалга оширилди (2-расм). Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 212,8 млрд. сўм ёки деярли 77 фоизга ошган. Гарчи акциялар эмиссияси сони 21 тадан 13 тага камайган бўлсада, умумий эмиссиялар ҳажмининг ошиши ҳисобига ўртача эмиссия ҳажми 13,2 млрд. сўмдан 37,6 млрд. сўмга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун 2009 йил ўзига хос ислохотлар ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда республика тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди.



2-расм.

Эътиборлиси шундаки, тижорат банклари акциялари биржада доимий котировка қилинмоқда ва унинг натижалари тегишли нашрларда мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капиталини камида 20 фоизга ошириш ва яқин 2 йилда жами банклар капитали даражасини ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

2010 йилда тижорат банклари томонидан яна 250 млрд. сўмлик қўшимча акциялар муомалага чиқарилиб, банклар устав капиталларининг оширилиши кутилмоқда. Масалан, Халқ банки кейинги 4 йил давомида ўзининг устав капиталини 10 млрд. сўмдан аввал 100 млрд. сўмга, кейин 200 млрд. сўмгача оширишни мўлжалламоқда.

2009 йилдаги банк соҳасидаги ислохотлардан яна бири шуки, эндиликда барча мулкчилик шаклидаги тижорат банклари корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ўз навбатида республика облигациялар бозорининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, тижорат банкларининг «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги иштирокини ҳам жадаллаштиради. 2009 йилда «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги савдоларнинг деярли 44 фоизини республика тижорат банкларининг акциялари ташкил қилди ва 39,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Ушбу сумманинг 37,1 млрд. сўми нодавлат банклар ва устав капиталида давлатнинг улуши «назорат пакети»га тенг бўлмаган банклар ҳисобига тўғри келади.

Корпоратив облигациялар – корпоратив ташкилий тузилмалар (юридик шахслар) томонидан ўзининг фаолиятини молиялаштириш учун муомалага чиқарилган қарз инструментлари.

2008-2009 йилларда қўшимча эмиссия қилинган акцияларнинг таркибида имтиёзли акциялар сонининг ҳиссаси олдинги йиллардаги 1,1-

2,2 фоиздан 0,6-0,7 фоизгача пасайди. Ушбу ҳолат қўшимча эмиссияларда давлат иштирокининг ошганлиги, яъни давлат томонидан банклардаги назоратни олишга бўлган қизиқишнинг юқорилиги билан изоҳланади.

Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, унинг доимий барқарор фаолият юритишни таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилди.

Валюта бозори – хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳаси.

Ўтган йиллар ичида мамлакатда иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларини шакллантиришга қаратилган самарали иқтисодий ислохотлар амалга оширилди, барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбалари ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютанинг харид қувватини четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди.

Жорий йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан фойдаланишни янада кенгайтириш билан бир қаторда, ўзгарувчан фоиз ставкаларини тезкор бошқаришни давом эттирилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жами 293 та миллий валютадаги ва 118 та хорижий валютадаги омонат турлари аҳоли, корхона ва ташкилотларга тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар энг аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларнинг энг қулай шаклларида, жумладан, истеъмол ва ипотека кредитидан фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиз аҳолиси учун истеъмор ва ипотека кредитининг турли хил вариантлари жорий этилган бўлиб, Республика тижорат банклари томонидан аҳолининг ушбу кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, истеъмор кредитларининг берилиши аҳоли учун Республикада ишлаб чиқарилган истеъмор товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиб берса, ипотека кредитлари ёш оилалар ва бошқа тоифадаги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини оширади.

2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон банклари Ассоциациясига аъзо 19 та тижорат банки томонидан 40 дан ортиқ турдаги истеъмор кредити жорий қилинган бўлиб, улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга берилади. 2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида 11 та янги турдаги истеъмор кредитлари муомалага чиқарилди. Бундан ташқари баъзи банклар томонидан амалдаги истеъмор кредитларининг шартлари ва талабларига бироз ўзгаришлар киритилди.

Ҳозирда 20 та тижорат банклари томонидан 37 та турдаги ипотека кредити жорий қилинган бўлиб, улар 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга берилади. Ипотека кредити уй-жой сотиб олиш, қуриш ва илгари сотиб олинган уй-жойларни таъмирлаш учун ажратилади.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 7 ноябрдаги 726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ банкларнинг минимал устав капиталлари миқдorigа ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

- тижорат банклари учун сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдorigа;

- хусусий банклар учун сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Республикаимиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискин маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келади.



3-расм.

2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпроқ кредит ресурсларини ажратиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Шу билан бирга, микрокредитларнинг даражаси эса 1,3 баробарга ўсиши кутилмоқда (3-расм).

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва беғараз рақобат вужудга келмоқда. Бу эса тижорат банклари бошқарув стратегиясининг тўғри танланганлиги, активларнинг ишончли жойлаштирилганлиги,

мажбуриятларни бажариш ва ликвидлиликни таъминлашда ижобий натижаларга эришиш зарурлиги ҳамда шу асосда юқори даромадга эришиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

3.2. Молиявий режалаштиришни такомиллаштириш

Молиявий режалаштириш корхона молиясини бошқариш тизимининг ажралмас қисмини ўзида акс эттиради. Молиявий режалаштириш хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий соҳалардаги фаолиятида қарор қабул қилиш асосларини таъминлайди. Молиявий режалаштиришнинг корхона фаолияти учун алоҳида долзарблиги шундаки, у кескин рақобат шароитида узлуксиз ривожланиш йўлини белгилаб беради. Ҳозирги вақтга қадар хўжалик субъектларида молиявий режалаштириш алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги ҳам мазкур оҳанинг бугунги кундаги долзарблигини янада оширади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда куйидаги хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни самарали ташкил этишга қаратилган мулоҳазаларимизни келтириб ўтамыз.

Барчамизга маълумки, бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф, шунингдек, рақобат қонуниятлари асосида тартибга солинади. Шундан келиб чиқиб, кўп ҳолатларда бозор иқтисодиёти режали иқтисодиётдан тубдан фарқ қиладиган режалаштириш, хусусан, молиявий режалаштиришга ўрин йўқ, деб эътироф этилади. Зеро, 2008 йилда бошлаган ва дунёнинг барча мамлакатларини ўз домига тортган жаҳон молиявий - иқтисодий инқироzi хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида молиявий режалаштиришдан воз кечиш оқибатларини ҳам хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятидаги ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Одатда молиявий режалаштиришни нотўғри ташкил этилиши, бир тамондан бозорнинг маълум бир маҳсулотга тўйиниши, иккинчи тамондан

эса, бошқа бир маҳулотга нисбатан тақчилликнинг юзага келишига олиб келади. Натижада эса бозор мувозанати бузилади. “Бозор учун энг мақбул ҳолат талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг таъминланишидир. Шундагина иқтисодиёт бир маромда ривожланади”. Бозор мувозанати аввало, молиявий режалаштиришни тўғри ташкил этиш билан таъминланади. Шундан келиб чиққан ҳолда даставвал молиявий режалаштиришнинг моҳияти ҳамда бу борадаги иқтисодчи олимларнинг карашларига қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Иқтисод фанлари доктори, профессор А Ваҳобов ва иқтисод фанлари доктори, профессор Т Маликовларнинг “Молия: умумназарий масалалар” номли ўқув қўлланмасида “режалаштириш” тушунчасини “Ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий жараёнларни бошқариш тизимиининг асосий босқичларидан бири” сифатида ҳамда молиявий режалаштиришга “молиявий реурсларнинг баланслилигини ва пропорционаллигини таъминлашга қаратилган фаолият” сифатида таъриф берилади. Дарҳақиқат, қуйидаги мақсадларга эришиш учун қарорлар қабул қилиш ижтимоий – иқтисодий жараёнларни бошқаришга хизмат қилади.

Рус иқтисодчи олими В.В. Ковалёвнинг таъкидлашича, “Режалаштириш аниқ мақсадли механизмлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда улар муваффақиятига эришишнинг энг самарали йўллари аниқлаш жараёнида ўзида акс эттиради. Қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бу механизмлар яхлит кўринишда мазкур бошқарув даражаси кутаётган истиқболни характерлайди ва улар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга кўрсаткичлар тизимини акс эттиради”. Бундан режалаштириш жараёнида аниқ механизмлар ишлаб чиқилиши, ишлаб чиқилган механизмларни амалга ошириш учун қарорлар қабул қилинишини кўришимиз мумкин. Умумий молиявий режалаштириш кўрсаткичлар тизимига асосланган молиявий бошқарувда қўлланиладиган асосий босқичлардан ҳисобланади.

Яна бир иқтисодчи олими Л.Н.Павлова эса молиявий режалаштиришнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: “Молиявий режалаштириш – корхона, унинг бўлинмаси ёки алоҳида лойиҳа доирасида молиявий ресурслар ҳажми ва уларни тақсимлаш ўртасидаги баланслиликни таъминлаш жараёнидир. Молиявий режалаштириш объекти сифатида молиявий ресурслар, хусусан, жами фойда гавдаланади”. Юқорида таъкидланганидек, мазкур таърифда ҳам молиявий ресурсларнинг жамланиши ва уларнинг тақсимланиши бўйича баланслиликни таъминлашга эътибор қаратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда молиявий режалаштириш буйруқ элементи сифатида ифодаланмайди. Аксинча, “Унинг – мақсади хўжалик муваффақияти учун оптимал имкониятларни таъминлаш, бунинг учун зарур маблағларни олиш, корхонанинг даромад ва ҳражатларини, пул маблағлари ҳаракатини режалаштириш” – дея изоҳланади Г.Б. Полякнинг “Молия” дарслигида. Бкндан кўриниб турибдики, молиявий режалаштириш кескин рақобат шароитида хўжалик субъекти рақобатбардошлиги ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида пул маблағлари ҳаракатини, яъни даромад ва ҳаражатларни тўғри ташкил этишга қаратилган фаолиятдир.

Юқоридаги фикрлардан кўриб турибмизки, молиявий режалаштириш режали иқтисодиётда ҳам, бозор иқтисодиётида ҳам долзарблик касб этади. Бундан ўз – ўзидан режалаштириш тушунчаси талаб, таклиф, нарх тушунчалари каби ҳар қандай иқтисодий шароитда ҳам муҳимлиги келиб чиқади ва умумиқтисодий тушунча сифатида юзага чиқади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодида юзага келган маълум бир таназзул молиявий глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув туфайли бутун дунё иқтисодиётида таъсир кўрсатишнги бугунги кунда жаҳон молиявий – инқирози кўрсатиб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги глобаллашув ва жаҳон иқтисодига интеграциялашув шароитида молиявий режалаштириш жараёни нафақат молиявий ресурслар ҳаракатини

тўғри ташкил этиш, шу билан бирга, режалаштириш асосида ишлаб чиқилган механизмларни амалга ошириш жараёнида юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай кутилмаган ҳолатларни кўра била олиш ва баҳолай олишни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бунда асосий эътибор, корхоналар фаолияти даомида юзага келиши ҳамда молиявий хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи молиявий рискларга қаратилиши лозим, деб ўйлаймиз. Молиявий режалаштиришнинг моҳиятини ёритганда ҳам айнан молиявий рискларни камайитиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, молиявий режалаштириш аввало, такрор ишлаб чиқариш жараёнини пул билан таъминлашга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим. Шу боисдан юқорида тилга олинган иқтиодчи олимларнинг фикрларини умумлаштирилган ва тўлдирган ҳолда молиявий режалаштириш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш лозим: молиявий режалаштириш такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида корхона фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган молиявий ресурсларни инобатган олган ҳолда, молиявий ресурсларни жамлаш ва тақсимлаш ўртасидаги муносибликни таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

“Мутахассисларнинг фикрича, режалаштириш сифати, хўжалик субъекти муваффақиятли фаолият юритишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, режалаштириш тизимидаги камчилик унинг имкониятларини 20-30% пасайтириш мумкин”.

Умуман, молиявий режалаштиришнинг асосий мақсади, такрор ишлаб чиқаришни молиявий ресурслар билан таъминлаш самарадорлигини оширишдан иборат. Бунда режалаштириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятига жалб этилган капитал даромадлилигини ошириш орқали корхона барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, рискларни камайитириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий вазифаларни сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- оператив (хўжалик), инвестицион ва молиявий фаолиятларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- пул маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан корхона фойдасини ошириш бўйича ички резервларни қидириб топиш;
- капитални самарали жойлаштириш йўллари аниқлаш, ундан оқилона фойдаланишни баҳолаш;
- бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар билан ўзаро молиявий муносабатларни ўзаро молиявий муносабатларни тўғри ташкил этиш;
- ҳамкорлар билан қисқа вақт ичида самарадорликни ошириш юзасидан ўзаро молиявий муносабатларни ўрнатиш;
- режалаштирилган даромадлар ва хужжатлар реал баланслилигини таъминлаш мақсадида корхонанинг молиявий барворлик кўрсаткичлари ва тўловга лоқайдлилиги бўйича ички назоратни ўрнатиш.

Хулоса

Илмий тадқиқотни амалга ошириш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди ҳамда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Молия бозорининг ривожланиши муносабати билан миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва умумдават эҳтиёжларини қондириш учун аҳоли, корхона ва ташкилотларининг пул даромадлари ва жамғармаларини жалб этиш зарур шу муносабат билан давлат облигациялари ва хазина билетлари чиқариш ҳам давлат ресурсларининг ҳажмини кўрсатилади;

Молиявий сиёсий реал молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариши ва тадбиқ этиши зарур. Сарфлар молия ресурслари кўрпайгандагина ўтиш мумкин. Бу эса аввало, ишлаб чиқаришни молиялаштиришни билдиради. Иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг ҳамма тадбирлари, бир томондан, аҳолига ўз даромадларини ошириш имкониятини беради, иккинчи томондан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилиши керак;

2. Молиявий сиёсатнинг тубдан ўзгаришига мос равишда молия механизми ҳам қайта қайта қурилмоғи лозим. Молия механизминини қайта қуришнинг мақсади бозор муносабатлари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига унинг таъсирини кучайтириш, молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлашдир. Молия механизминини қайта қўриш негизида корхона, ташкилотлар ишининг якуний натижаларини яхшилаш учун хўжалик ташаббускорлиги ва масъулиятини бутун чоралар билан кучайтиришни талаб қилинади.

3. Давлат молия механизмига туб ўзгартиришлар киритилади. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ асосига ўтади. Бюджет харажатларини таркиби ва бюджетдан молиялаштириш тизими бутунлай ўзгаради.

Молия механизмини қайта куриш жараёни тегишли базани яратиш билан бирга содир бўлаётир. Охирги йилларда молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди;

4. Молия механизми хўжалик механизмини асосий қисми ҳисобланади у ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва молия маблағларини бошқаришда асосий роль ўйнайди, ҳамда бюджет даромадларини тўлдириш дастаклари ҳисобланади;

5. Молия механизми мамлакат ва хўжалик субъектларини молиявий маблағларни ташкил этиш, ҳамда уларни ўз мақсадига кўрса сарфлаши йўналтириши устидан назорат олиб боради;

6. Молия механизмининг таркибий қисмларига молиявий қонунчилик, молиявий режалаштириш ва истиқболини белгилаш, молиявий дастаклари, молиявий бошқарув усуллари ва молиявий назорат эканлигини кўрсатиб берди;

7. Молиявий қонунчилиги молия механизми ядроси ҳисобланади, чунки, молия соҳасида чиқаётган Ўзбекистон республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан нормалар ишлаб чиқилади;

8. Молиявий режалаштириш ва истиқболини белгилаш бу молиявий механизмининг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалаштиришни тузиш ва истиқболини белгилаш ҳамда балансларни, молиявий кўрсаткичлар, норма ва нормативлар тузишни ўз ичига олади;

9. Молиявий дастаклар рағбатлантириш воситалари, буларга корхона фойдасини тақсимлаш усуллари, ажратмалар, қўлланадиган имтиёзлар, санкциялар ва рағбатлантиришлар киради;

10. Молиявий бошқарув усуллари бу хўжалик субъектларнинг молиявий муносабатларини амалга ошириш, пул оқими, фондларни ташкил этиш, тақсимлаш ва самарали ишлатишга оид фаолиятни бошқаради;

11. Мамлакатимизда амал қилаётган тартибига кўра ҳозирги пайтда эгри солиқлар (билвосита) солиқларнинг таркибига қуйидаги солиқлар киради: а) қўшилган қиймат солиғи; б) акциз солиғи; в) божхона бождари; г) жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ. Алоҳида олинган ҳар бир эгри (билвосита) солиқ суммасининг шу солиқларнинг умумий суммасига нисбатига эгри (билвосита) солиқларнинг таркибий тузилмаси дейилади. Эгри (билвосита) солиқларнинг таркибий тузилмасида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳал қилади;

12. Эгри (билвосита) солиқларни ундириш маълум бир механизм орқали амалга оширилиб, бу механизмни икки вариантда тасаввур қилиш мумкин:

1) Хусусий тарзда (ҳар бир алоҳида олинган эгри (билвосита) солиқни ундириш механизми).

2) умумий ундиришда (унга кўра бу механизм у ч таркибий қисм ва бир неча элементларда ташкил топади.) уларни бюджетга ўз вақтида ундирилиши шу механизмнинг узлуксиз ва узилишларсиз ишлаб туришга боғлиқ. Ана шу амалдаги механизми ва унинг таркибий қисмлари маълум бир нуқсонларга эга. Бу нуқсонларга зудлик билан барҳам бериш керак.

13. қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизмидаги муаммоларни ҳал этиш учун унинг ундириш механизми: а) шу солиқ бўйича кўзда тутилган имтиёзларга нисбатан баъзи бир ўзгартиришлар киритиш; б) қўшилган қиймат солиғига доир реализация бўйича солиқ солинадиган айланма миқдорини аниқлашда ёки солиқ солинадиган баъзани белгилашда акциз солиғининг суммасини ҳисобга олмаслик ва зарур бўлган ҳолларда ўшанча мос бўлган компенсацион механизмни жорий этиш; в) хўжалик юритувчи субъектлар тугатилаётган пайтда улар мол-мулкнинг муассасалар ўртасида тақсимлашига доир айланмаларнинг қўшилган қиймат солиғига тортиш; г) ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммасига аниқлик ёки ўзгартириш киритиш; д) унинг

ставкасини бир мунча пасайтириш йўналишларида такомиллаштирилмоғи зарур;

14. Акциз солиғини ҳисоблаш механизми; а) мамлакат ҳудуддида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар ва мамлакат ҳудудида акциз ости товарларни олиб кирувчиларга қараб; б) унинг ставкасини ўрнатиш усулига ўзгартириш киритиш; в) қатъий ўлчамларда белгиланган акциз солиғининг ўрнатилган ставкасини йил давомида ўзгартириш; г) унинг айрим тоифадаги тўловчилари ва тўлаш тартибини ўрнатишга ўзгартириш киритишларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилмоғи мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, -Т., Ўзбекистон 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 14 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонуни .
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни 1997 йил. 29 августь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№48, 28.01.98 й.), “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора тадбирлари”.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№343, 26.07.2001 й.), “Таълим муассасаларида тўлов – контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№344, 17.08.2001 й.) “Таълим муассасаларида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”.
- 10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№4,

05.01.98 й), “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”.

- 11 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№5, 05.01.98 й.), “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (№406, 23.09.98 й.), “1999 – 2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – уенгилмас куч. – Т.:“Маънавият”, 2009.
2. Каримов И.А.Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
3. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро

конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.
7. Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
10. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
11. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
14. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг
очирилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

Хорижий адабиётлар ва ўқув қуланмалари

31. Высшая школа в 1994 году. Ежегодный доклад развития высшего образования –М.: НННВШ, 1995.
32. Георгиева Т.О. Высшая школа США на современном этапе. –М.: Высшая школа, 1989.
33. Жильцов Ye. Проблемы формирования финансово-экономического механизма высшей школы. Материалы международной конференции. «Экономика и управление всшей школы». 1992.
34. Зуев В. Социально-экономические условия формирования региональных комплексов высшей школы // Магистр (Новости НННВО), 1995 г. №6.
35. Иванова Т. Специализация по – американски или 90 вариантов выбора // Народное образование. -2002. №6.
36. Иванов Ye. Высшая школа в конце XIX – начале XX в. –М.: Прогресс, 1991.
37. Кинслев В. Государственная политика развитие высшего образования в России, 199. №1.
38. Кинслев В. Совершенствовать структуру высшей школы // Региональная 1994, №4.
39. M Saidov and ofhers Assistance to refominr the system of education in the re’uolic of Uzbekistan. cha’ter I Educational administration and managment.
40. M Saidov and ofhers Assistance to refominr the system of education in the re’uolic of Uzbekistan Cha’ter B Education fundinr.
41. Образование в Российской Федирации / Статистической сборник. –М.: Госкомстат РФ. 1999.
42. Саидов М.Х. Внебюджетные средства высших образовательных учреждений. « Вестник НУУ » №2, 2000.

43. Саидов М.Х. и др. Методика прогнозирования спроса на специалистов с высшим образованием. –Т., 2000.
44. Саидов М.Х. и др. Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Глава 1. Управление образованием. –Г.: Молия, 2000.
45. Саидов М.Х. К вопросу управления качеством высшего образование. «Таълим муаммолари», №2, 2000.
46. Саидов М.Х. Совершенствование финансирования и укрепление материально – технической базы образовательных учреждений. «Учитель Узбекистан» №47, 2000.
47. Саидов М.Х. таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. «Таълим муаммолари», №2, 2000.
48. Саидов М.Х. Формирование бюджета вуза по источникам финансирования. « Экономический вестник Узбекистана», №11-12, 2000.
49. Саидов М.Х. совершенствования финансирования и укрепления материально-технической базы образовательных учреждений. «Учитель Узбекистана ». 2000.

Интернет сайтлар:

50. www.minfin.ru
51. www.mf.uz
52. www.budjet.ru
53. www.gov.uz
54. www.cer.uz
55. [htt'.\\ narod.ru/referat/0015.doc](http://narod.ru/referat/0015.doc).
56. [htt'.\\ www.asiauniversalbank.com/imr/awards/Bank of The Year 09 f](http://www.asiauniversalbank.com/imr/awards/Bank of The Year 09 f).

АННОТАЦИЯ

Маълумки, молия механизми, хўжалик механизмининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олимларимиз молия-кредит механизми тўғрисида ўзларининг фикрларини баён этганлар. Бизнинг фикримизга кўра молия-кредит механизми жамият томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш, ҳамда пул муносабатларини ташкил этиш ва фойдаланишни ифода этади.

Ҳозирги кунда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида молия механизмини такомиллаштириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.